Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 24 февраль 1973 йил, шанба ✦ № 47 (15.521). ✦ Баҳоси 2 тийин.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВГА ЧЕХОСЛОВАКИЯ ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

Прагада КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневга ЧССРнинг олий мукофоти — биринчи даражали Оқ шер ордени занжири билан топширилди. Суратда: ЧССР Президенти Л. Свобода ўртоқ Л. И. Брежневга орденни топширмоқда. ТАСС — УзТАГ телефотоси.

ПРАГА, 23 февраль. (ТАСС). Байрам либосини кийган Прага шу кунларда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни ғоят зўр самимият билан кутиб олмоқда. Прагаликлар ва Чехословакиянинг бошқа шаҳар ҳамда районлари аҳолиси меҳнаткаш халқ февраль ғалабасининг 25 йиллиги байрамида Л. И. Брежнев қатнашаётганлигидан мамнун ва хурсанд эканликларини газеталарнинг саҳифаларида, радиоэшиттиришларда изҳор қилмоқдалар. Бу ердаги кишилар Чехословакияни фашизмдан озод қилиш учун олиб борилган жангларнинг иштирокчиси, чехословак халқининг самимий дўсти, Чехословакия Социалистик Республикасининг қаҳрамони деган юксак унвонни олишга сазовор бўлган Л. И. Брежневни яхши биладилар.

Бугун Л. И. Брежневга Чехословакия Социалистик Республикасининг олий мукофоти — биринчи даражали Оқ шер ордени занжири билан топширилди. Ана шу маросим КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарига нисбатан дўстлик ва иззат-ҳурмат туйғуларини ифода этган далилларнинг яна бири бўлди. Л. И. Брежнев Чехословакия — Совет дўстлигини ривожлантиришга қўшган жуда катта ҳиссаси учун ва меҳнаткаш халқ февраль ғалабасининг 25 йиллиги муносабати билан Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг таклифига биноан Чехословакия Социалистик Республикаси президенти томонидан мукофотланди.

Оқ шер орденини Л. И. Брежневга топшириш маросимида Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Г. Гусак, ЧССР Президенти Л. Свобода, ЧССР ҳукуматининг Раиси Л. Штроугал, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари ва президиум аъзолигига кандидатлар, ЧКП Марказий Комитетининг секретарлари ҳозир бўлдилар. СССРнинг ЧССРдаги элчиси С. В. Червоненко ҳам ҳозир бўлди.

Орденни топшириш вақтида ўртоқ Г. Гусак нутқ сўзлади.

Ўртоқ Г. ГУСАК нутқи

Ҳурматли ўртоқ Брежнев!

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти ва ҳукумати чехословак—совет дўстлигини ривожлантириш соҳасидаги жуда катта хизматларингиз учун, мамлакатимизга ва халқимизга ҳар томонлама ёрдам берганлигингиз учун Сизни Чехословакиянинг Олий нишони — биринчи даражали Оқ шер ордени билан (занжири билан) мукофотлаш ва бу орденни зафарли Февралнинг 25 йиллиги муносабати билан Чехословакияга қилган визитингиз вақтида Сизга топшириш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Азиз Леонид Ильич, биз Сизнинг революционер, совет ишчилар синфининг фарзанди сифатида босиб ўтган ҳаётий йўлингизга ғоят самимий ҳурмат билан қараймиз. Сиз Ленин ғояларига садоқатингиз туфайли, зўр ғайрат-шижоатингиз ва истеъдодингиз туфайли Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига ва совет халқига бошчилик қилмоқдасиз. Совет Иттифоқи халқларига муваффақиятли раҳбарлик қилибгина қолмай, бутун халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатига актив таъсир кўрсатмоқдасиз, ҳозирги жаҳоннинг бутун тараққиётига ҳал қилувчи таъсир кўрсатмоқдасиз.

Биз совет коммунистлари ва совет халқи Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг раҳбари сифатидаги буюк фаолиятингизни, давлат фаолиятингизни ғоят қадрлаётганлигини турли шароитларда кўриб билиш имкониятига эга бўлдик. Совет халқи марксча-ленинча ғоялар ва программаларни ривожлантиришга қаратилган ана шу бунёдкорлик ишларини қўллаб-қувватламоқда. Бу ҳол Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съездида ҳам намоён бўлди. Леонид Ильич, биз Сизни кундалик ҳаётда ҳам шундай деб тасаввур этамиз.

Бизнинг халқимиз ҳозир 25 йилликни зўр ифтихор билан байрам қилмоқда. Ана шу 25 йил мобайнида Сиз чехословак халқининг ўз партияси раҳбарлигида эришган барча ғалабалари ва муваффақиятларининг шоҳиди бўлдингиз.

Биз Марказий Комитетнинг Пленумларида ҳам, бошқа воқеалар муносабати билан ҳам халқимизнинг социализм қуриш ишида эришган муваффақиятлари Совет Иттифоқининг, унинг партияси ва халқининг ҳар томонлама, беғараз ёрдами билан, шунингдек сизнинг шахсан қўшган ҳиссангиз билан, партиямизга, халқимизга шахсий муносабатингиз билан чамбарчас боғланганлигини таъкидлаб келдик.

Мен шу фурсатдан фойдаланиб, қарийб 30 йил мобайнида халқимиз учун ва давлатимиз учун қилган ҳамма яхши ишларингиз туфайли сизга яна бир марта ташаккур изҳор қилмоқчиман.

Биз Сизнинг коммунистик ва ишчилар ҳаракатидаги ролингизга юксак баҳо берамиз. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг етакчи отрядидир. Биз Бош секретарь сифатида ўйнаган ролингизни, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатини жипслаштириш ҳамда мустаҳкамлашга шахсан қўшган ҳиссангизни коммунистик ва ишчи партияларнинг 1969 йилда Москвада бўлиб ўтган халқаро кенгашида жуда яққол кўздан кечира олдик.

Сизнинг халқаро коммунистик ҳаракат ва жаҳондаги прогрессив ҳаракатдаги нуфузингиз доим юксалиб бормоқда.

Мен сизнинг жаҳондаги тинчликсевар кучларнинг урушларни йўқотиш учун, тинч ҳаёт учун олиб бораётган курашига шахсан қўшган ҳиссангиз тўғрисида бир неча сўз айтмоқчиман. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг, совет халқининг ва шахсан сизнинг бу йўлда зўр ғайрат билан қилаётган буюк ишларингиз ҳаммага маълум. Олижаноб ишларингизнинг мақсади планетамиздаги миллиардларча кишиларнинг урушдан холи яшашлари, эркин ва яхши тирикчилик қилишларига ёрдам беришдан иборат эканлиги ҳам ҳаммага маълум.

Тарих Сизнинг коммунистик ҳаракат ва тараққийпарвар тинчликсевар кучларнинг жаҳондаги муносабатларни тинч ҳал этиш йўлидаги курашига шахсан қўшаётган жуда катта ҳиссангизга тўлиқ баҳо беради ва бунинг учун Сизни муносиб суратда иззат-ҳурмат қилади. Мен бунга аминман.

Азиз Леонид Ильич, Чехословакиянинг ана шу мукофотини топшириш вақтида Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети ва бутун партия номидан, барча давлат органларимиз, бутун халқимиз номидан Сизга узоқ йиллар сиҳат-саломатлик, узоқ йиллар ижодий меҳнат қилишингизни, ўзингиз учун жуда характерли бўлган ижодий фикр юритишингизни истаймиз. Бундан кейинги йилларда ҳам совет ва чехословак халқлари ўртасидаги қизғин дўстликни, Коммунистик партияларимиз ўртасидаги энг мустаҳкам, қардошларча ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кучайтиришда муваффақиятлар қўлга киритилишини истайман.

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Бош секретарининг нутқи гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди.

Г. Гусак ва Л. Свобода ҳамманинг гулдурос қарсаклари остида Л. И. Брежневга Оқ шер ордени нишонларини топширадилар, уни юксак мукофот билан самимий муборакбод қиладилар.

Чехословакия Коммунистик партияси ва Чехословакия давлатининг залда ҳозир бўлган раҳбарлари, Советлар мамлакатидан келган ўртоқлар КПСС Марказий Комитети Бош секретарини Чехословакиянинг Олий нишони билан табриклайдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев жавоб нутқи сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқ Гусак!
Азиз ўртоқ Свобода!
Азиз ўртоқ Штроугал!

Чехословакия Социалистик Республикасининг юксак мукофоти учун самимий ташаккуримни қабул этгайсизлар. Мен бу мукофотни Чехословакия коммунистлари ва бутун халқи билан қадимдан қалин дўст бўлиб келаётган бутун ленинчи Коммунистик партиямизга, барча совет халқига берилган мукофот деб биламан. Бу дўстлик кўп асрлик тарихий негизга эга. Бу дўстлик фашизмга қарши биргаликда олиб борилган жанглар алангасида тобланди, бу дўстлик Чехословакия халқи ўзи учун социализм йўлини танлаб олган, янги жамият қуришдек буюк ишда муштарак идеаллар, ўртоқларча ўзаро ёрдам ва мададкорлик туфайли иккала мамлакатимиз социалистик интернационализмнинг янги узилмас алоқалари орқали бирлашганида янги, янада теран маъно касб этди.

Ҳозирги даврда Совет Иттифоқи билан Чехословакия халқлари, СССР билан ЧССР коммунистлари ўртасидаги алоқалар шу қадар чуқур ва кўп қирралидирки, таъбир жоиз бўлса, бутун турмуш тарзимиз учун шу қадар табиийдирки, биз кўп соҳаларда бир хил фикр-ўйлар, бир хил қувончлар, бир хил вазифалар билан яшаб турибмиз.

Шу боисдан ҳам чехословак дўстларимиз менга кўрсатган бу шараф мени айниқса тўлқинлантиради. Мен учун ҳам Чехословакия кўп жиҳатдан азиз эканлигини айтиб ўтмоқчиман. Ҳаётимнинг кўп саҳифалари сизларнинг улкан мамлакатингиз билан боғланган. Совет кишилари Чехия ва Словакия ватанпарварлари билан биргаликда фашист босқинчиларни тор-мор қилиш учун, мамлакатларимизнинг шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллиги учун шиддатли жанг олиб бораётган урушнинг қийин йилларида Чехословакия билан таниша бошлаган эдим. Ўша кунларда Людвик Свобода қўмондонлигидаги Чехословакия корпусининг жангчилари бизнинг жанговар дўстларимиз бўлишди. Ана шу қаҳрамонона йиллардаги шонли ишларни ҳеч қачон унутмайман.

Урушдан кейинги йилларда ҳам Чехословакия билан алоқаларим асло тўхтагани йўқ. Масалан, мен Украинадаги Днепропетровск область партия комитетининг секретари бўлган вақтимда чехословак коммунистларининг атоқли раҳбари ўрток Клемент Готвальд билан учрашиш шарафига муяссар бўлиб, у билан бир неча соатни ўртоқлик вазиятида ўтказганим яхши эсимда. Бу воқеа 1948 йилги тарихий февраль ғалабасидан сал кейин бўлган эди. Ўрток Готвальднинг мамлакатни социализм йўлидан ривожлантириш, Чехословакия — Совет дўстлигини янада чуқурлаштириш хусусида кўпдан-кўп ғоялари ва режалари бор эди.

Ҳамкорлигимизнинг янги босқичлари ҳаммамизнинг кўз ўнгимиздан ўтди. Кейинги йилларда чехословак ўртоқлар билан биргаликда янги вазифаларни ҳал этишга тўғри келди, шу йиллар давомида партиянгизнинг съездларида ва бошқа муносабатлар билан Чехословакияга бир неча бор келишимга, шунингдек, чехословак дўстлар билан Совет Иттифоқида учрашиб, суҳбатлашишимга тўғри келди.

Шу кунларда, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари лавозимида турган вақтимда ҳам Марказий Комитетнинг Сиёсий бюросидаги ва секретариатидаги ўртоқларим билан бирга Совет — Чехословакия муносабатлари, дўстлигимиз ва ҳамкорлигимизни, халқаро майдонда тинчлик ва социализм иши учун биргаликда олиб бораётган курашимизни янада чуқурлаштириш масалаларини тез-тез кўриб чиқишга тўғри келаётганлигини айтсам, бирон бир сирни очиб қўйган бўлмайман, албатта.

Биз ўзимизнинг биргаликдаги ҳамма ишларимизни Гусак, Свобода, Штроугал ўртоқлар билан ҳамда Чехословакия Коммунистик партияси ва Чехословакия давлатининг бошқа раҳбарлари билан ғоят самимий ва дўстона ҳамжиҳатликда қилмоқдамиз.

Мана ҳозир, яқин дўстларим қўлидан дўстлик ва ҳамкорлигимизнинг рамзи сифатида, биринчи даражали Оқ шер орденини олаётганимда жуда тўлқинланаётганлигим табиийдир. Ўртоқлар, қардош Чехословакиянинг ана шу фахрли мукофотига ҳамиша муносиб бўламан, деб сизларга ваъда бераман. Яна бир бор самимий раҳмат, азиз дўстлар!

Чехословакия ва Совет Иттифоқи халқларининг буюк қардошлиги, совет ва чехословак коммунистларининг жанговар бирдамлиги абадий яшайверсин ва гуллаб-яшнайверсин.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг нутқи зўр эътибор билан тингланди ва гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 22 февралда Прагада ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Густав Гусакка тантанали, дўстона вазиятда Ленин орденини топширди. Суратда: мукофот топширилганидан кейин. ТАСС — УзТАГ телефотоси.

ЎРТОҚ Г. ГУСАККА ЛЕНИН ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

ПРАГА, 22 февраль. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бугун Прага градида самимий ўртоқлик вазиятида Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Г. Гусакка Ленин ордени топширди. Бу юксак мукофотга Г. Гусак Совет Иттифоқи ва Чехословакия халқлари ўртасида, қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришда жуда катта роль ўйнаганлиги учун, тинчлик ва социализмни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшгани учун ҳамда туғилган кунининг 60 йиллиги муносабати билан сазовор бўлган эди.

Чехословакия Коммунистик партиясининг ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг кўзга кўринган арбобига юксак совет мукофотини топшириш маросими икки қардош партия бирлиги ва жипслигининг чинакам байрамига, Совет — Чехословакия дўстлиги байрамига айланди.

Граднинг тарихий залида юксак мукофотни топшириш тантанали маросимида Чехословакия Социалистиқ Республикасининг Президенти Л. Свобода ЧССР ҳукуматининг Раиси Л. Штроугал, ЧССР Федерал Мажлисининг Раиси А. Индра, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари ва Президиум аъзолигига кандидатлар В. Биляк, К. Гофман, Й. Кемпний, А. Капек Й. Ленарт, П. Цолотка, В. Гула, М. Грушкович, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретарлари Я. Фойтик, О. Швестка, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий контрол-ревизия комиссиясининг раиси М. Якеш ҳозир бўлдилар. Маросимда СССРнинг ЧССРдаги элчиси С. В. Червоненко ҳам ҳозир бўлди.

Ўртоқ Л. Й. Брежнев орденни топшириш чоғида нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар! Дўстлар!

Яқиндагина қардош Чехословакия коммунистлари, меҳнаткашлари Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Густав Гусак туғилган кунининг 60 йиллигини кенг нишонладилар. Бу сана бизнинг мамлакатимизда ҳам нишонланди. Прагага қилган дўстона визитимиз ўртоқ Гусакни шахсан қутлашимга ва СССР Олий Советининг Президиумининг топширигига биноан унга давлатимизнинг олий мукофоти — Ленин орденини топширишимизга имконият беради.

Ўртоқ Гусак махфий шароитда революцион иш олиб борган, фашизмга қарши курашда актив қатнашган, халқ ҳокимиятини бунёд қилган, янги социалистик жамият қурган ва қураётган шонли чехословак коммунистларидан бири. Мана шу катта ва мураккаб йўлнинг ҳиммасида у ҳар доим коммунистик идеалларга содиқ бўлиб келди, ўзининг саботли ва мард эканлигини, ташкилотчилик талантини кўрсатди. Унинг мана шу фазилатлари Словакия миллий қўзғолони кунларида, социалистик революциянинг ғалабасига олиб келган кескин синфий жангларда яққол намоён бўлди. Унинг бу фазилатлари мамлакат бошига тушган қийин кунларда ҳам ўзини тўла-тўкис кўрсатди. Ўша кунларда партия ўртоқ Гусакка Марказий Комитетга раҳбарлик қилишни топшириб қўйди.

Чехословак коммунистларининг кейинги йилларда қилган ҳамма ишларини айтиб адо қилиб бўлмайди.

Мамлакатдаги вазият нормал изга тушиб олди. Чехословакия жамиятининг жанговар марксчи-ленинчи авангарди бўлган Коммунистик партиянинг раҳбарлик роли мустаҳкамланди. Антисоциалистик кучлар мамлакат экономикасига етказган катта зарарнинг оқибатлари тугатилди; Чехословакия Социалистик Республикасининг халқ хўжалиги дадиллик билан юксалиш йўлидан ривожланиб бормоқда. Меҳнаткашларнинг турмуш даражаси ўсмоқда. Чехословакия Социалистик Республикаси халқаро ишларда нуфузли ва обрўли куч бўлиб бошқа қардош мамлакатлар билан бирга тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Хуллас, Чехословакия Коммунистик партиясининг XIV съезди қўйган вазифалар муваффақиятли бажарилмоқда. Ривожланган социалистик жамият қуришнинг етилган проблемаларини ҳал этиш учун яхши шарт-шароит яратиб берилди, деб ҳисобламоқ учун Чехословакия коммунистларида ҳамма асослар бор. Бу нарса барча коммунистларни, социализмнинг жаҳондаги барча чин дўстларини қувонтиради!

Мен, ўртоқлар, шуни алоҳида уқтириб ўтмоқчиманки, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатларнинг анъанавий жиҳати бўлиб келган дўстлик ва қардошларча ҳамкорлик қайта тикланганлиги ўртоқ Гусак раҳбарлигида Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети томонидан сиёсий вазиятни соғломлаштириш йўлида қилинган ишларнинг таркибий қисмларидан бири бўлди. Партияларимиз ўртасида вужудга келган тўла-тўкис ўзаро ишонч, чуқур ўзаро ҳурмат ва чинакам ўртоқлик муносабатлари ҳам мана шу ишнинг таркибий қисмидир. Ижозатингиз билан шуни айтишим керакки, азиз дўстлар, бизнинг ўртоқ Гусак билан ва Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетидаги унинг сафдошлари билан ҳам муносабатларимиз тўла равишда мана шундай бўлиб келмоқда. Биз ҳам бу муносабатларни жуда юксак даражада қадрлаймиз.

Албатта, мамлакатларимизнинг ўтмишдаги алоқалари нечоғли мустаҳкам бўлмасин. Совет — Чехословакия ҳамкорлиги ҳозирги вақтда нечоғли ҳар томонлама бўлмасин, эришилган натижалар билан хотиржам бўлиб қолиш нотўғри бўлар эди. Энг муҳими шуки, фақат замондошларимизгина эмас, шу билан бирга бизнинг ўринбосарларимиз бўлмиш ёш авлодлар ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги қардошлик муносабатларини ҳар доим асраш ва мустаҳкамлашни ўзларининг муқаддас бурчлари деб ҳисоблашлари керак Бизнинг ҳар иккала партиямиз ёшларни мана шу руҳда тарбияламоқдалар. Мен ҳам мана шу олижаноб вазифани ҳал қилишга ўртоқ Гусак қўшаётган катта ҳиссани қайд қилиб ўтмоқчиман.

Ўртоқ Гусак раҳбарлигидаги Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети фаолиятининг яна бир жиҳатини бугун бу ерда айтиб ўтиш ўринли бўлади. Бу жиҳат шундан иборатки, у халқаро коммунистик ҳаракатнинг ҳамма ишларида жуда актив қатнашмоқда, энг қимматли бойлигимиз бўлган социалистик ҳамдўстликнинг бирлигини ва жипслигини сақлаб қолиш ва кўпайтириш тўғрисида астойдил ғамхўрлик қилмоқда. Чехословакия Компартиясининг интернационалистик сиёсати унинг ҳаракатида. барча революцион кучлар орасида муносиб обрў қозонишини таъминлади, бунда шахсан ўртоқ Гусакнинг хизмати оз эмас.

Азиз ўртоқ Гусак!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан сизни яна бир марта чин кўнгилдан қутлашга ва Улуғ Ленин номидаги орденни топширишга ижозат бергайсиз. Сизга сиҳат-саломатлик ва бардамлик тилаб, социалистик Чехословакия бахт-саодати, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик йўлида, коммунистик ҳаракатнинг янги ғалабалари йўлида қилаётган ишингизда янги-янги муваффақиятлар қозонишингизни истаймиз!

Мажлис аҳли КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг нутқини қизғин давомли қарсаклар билан кутиб олди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Г. Гусакка Ленин орденини топшириб, уни қардошларча самимий қучоқлади, қўлини маҳкам қисиб муборакбод қилди. Залда яна қарсаклар янграб кетди.

Ўртоқ Г. Гусак жавоб нутқи сўзлади.

Ўртоқ Г. ГУСАК нутқи

Азиз ўртоқ Брежнев! КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати шунчалик эътибор берганлигидан жуда хурсандман. Мен бу мукофотни бутун совет халқининг илтифоти деб қабул қиламан, биз унинг ақл-заковатини, меҳнатини ва ғайратини юксак даражада қадрлаймиз.

Меҳнатимга берилган юксак баҳо учун миннатдорман. Хизматларимни, чамамда, бир мунча бўрттириб юборган бўлсангиз ҳам, шаънимга айтган яхши сўзларингиз учун раҳмат. Мен бу мукофотни Чехословакия Коммунистик партиясининг фаолиятига берилган юксак баҳо, бутун меҳнаткаш халқимизнинг қилаётган ишига берилган баҳо деб қабул қиламан.

Партиямиз шаънига, халқимиз шаънига айтилган самимий сўзлар учун, уларнинг курашига ва кейинги йиллардаги меҳнатига берилган юксак баҳо учун ташаккур.

Партиямиз Марказий Комитети бундан икки кун аввал 25 йил ичида қилинган ишларни якунлаб чиқди. Биз Чехословакия коммунистлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини жаҳон коммунистик ҳаракатининг илғор отряди деб ҳисоблаймиз, шунинг учун ҳам бугун биз ана шу якунларни сизларнинг ҳузурингизда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси вакилининг ҳузурида хурсанд бўлиб гапириб берамиз. Биз халқаро майдонда Чехословакия Коммунистик партияси ўйнаётган ролга Сиз берган баҳони, ҳамкорлигимизга берилган баҳони зўр ҳурмат билан қадрлаймиз.

Шу мукофотни қабул қилиб олар эканман, бу ерда ҳозир бўлган ўртоқларнинг ҳаммаси бу мукофотни Чехословакия Коммунистик партиясининг XIV съезди белгилаб берган йўлни изчиллик билан давом эттириб, марксизм-ленинизм принципларига содиқлик руҳида, Чехословакияда социализмни изчил ривожлантириш манфаатларини кўзлаб бу йўлни ривожлантира бериш, куни кеча Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми уқтириб ўтганидек, Совет Иттифоқи ва Чехословакия халқлари ўртасидаги ҳар томонлама муносабатларни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан бирга ҳормай-толмай мустаҳкамлай бериш тўғрисидаги мажбурият тариқасида қабул қиладилар, деб ўйлайман.

Мана шу юксак мукофот учун самимий ва чуқур ташаккуримни КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва Совет ҳукуматига топширишингизни ҳамда биз кучимизни аямай, худди мана шу руҳда Совет Иттифоқи билан дўстликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб ишлайверамиз, дўстлигимизни мустаҳкамлайверамиз ва чуқурлаштираверамиз, деб Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети, Марказий Комитет Президиумининг аъзолари ва Марказий Комитет секретарлари номидан ва шахсан менинг номимдан уларни ишонтиришингизни илтимос қиламан. Биз буни социалистик жамиятни ривожлантиришда мамлакатимиз учун, халқимизнинг ҳаёти учун мумкин бўлган бирдан-бир йўл деб биламиз.

Ўртоқ Г. Гусакнинг жавоб нутқи қарсаклар билан кутиб олинди.

Чехословакия Коммунистик партиясининг ва Чехословакия давлатининг залда ҳозир бўлган раҳбарлари, совет вакиллари Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретарини юксак мукофот билан чин юракдан муборакбод қилишди.

ЛЕНИНИЗМ ҒОЯЛАРИГА САДОҚАТ

ПРАГАДАГИ СТАРОМЕСТ МАЙДОНИДА ФЕВРАЛЬ ҒАЛАБАСИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА ТАНТАНАЛИ МИТИНГ

ПРАГА, 23 февраль. (ТАСС). Бугун Прага, унинг тарихий Старомест майдони кўркам, тантанали байрам тусини олган. Минбар устига Маркс, Энгельс, Ленин, К. Готвальд портретлари қўйилган. «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» оташин даъват сўзлари кўзга ташланади.

Прагаликлар ва Социалистик Чехословакиянинг барча гражданлари бугун катта революцион байрам — халқнинг февраль ойидаги тарихий ғалабасини нишонламоқдалар. Бу байрам республика тараққиётида янги давр — социализм даврини очиб берди. Пойтахт завод ва фабрикалари ишчилари, олий ўқув юртларининг студентлари, хизматчилардан неча ўн минглаб киши тўпланган Старомест майдонида айниқса зўр шоду-хуррамлик ҳукм суради.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг бу байрамда қатнашаётганлиги унинг аҳамиятини янада оширади. Прагаликлар бу майдонга Л. И. Брежневнинг портретларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари шаънига самимий дўстона табрик сўзлари ёзилган транспарантларни кўтариб келганлар.

Кундуз соат уч. ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари Г. Гусак ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ҳамманинг гулдурос қарсаклари остида минбарга чиқадилар. Улар билан бирга Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Л. Свобода, ЧССР ҳукуматининг Раиси Л. Штроугал, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзолари ва Президиум аъзолигига кандидатлар В. Биляк, К. Гофман, А. Индра, А. Капек, Й. Кемпний, Й Корчак, Й. Ленарт, П. Цолотка, М. Грушкович, В. Гула, ЧКП Марказий Комитетининг секретарлари Я. Фойтик, О. Швестка, Ф. Ондржихлар ҳам минбарга чиқадилар. Бу ерда СССРнинг Чехословакия Социалистик Республикасидаги элчиси С. В. Червоненко ва Советлар мамлакатидан келган бошқа ўртоқлар ҳам бор эди.

ЧССР ва Совет Иттифоқи давлат гимнларининг садоси янграйди.

ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Прага шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Капек Чехословакия меҳнаткашлари февраль ғалабасининг 25 йиллигига бағишланган тантанали митингни очиқ деб эълон қилади. А. Капек шу ерда ҳозир бўлган барча кишилар номидан Л. И. Брежневни самимий табриклайди. Майдонда гулдурос қарсаклар бошланади. Совет Иттифоқи, совет халқи, КПСС шарафига, Л. И. Брежнев шарафига табрик хитоблари янграйди.

Митингда ўртоқ Г. Гусак нутқ сўзлади.

ЎРТОҚ Г. ГУСАК нутқи

Ҳурматли ўртоқлар, дўстлар, азиз меҳмонларимиз! Шу митингда тўпланган сизларни ва сизлар билан бирга Ватанимизнинг барча меҳнаткашларини Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан, Президент ва Федерал ҳукумат номидан, миллий фронт Марказий Комитети номидан чин кўнгилдан табриклашга ва халқимизнинг буюк революцион байрами — февраль ғалабасининг 25 йиллиги билан муборакбод қилишга рухсат этгайсиз.

Қадимий Старомест майдони асрлар давомида халқларимиз тарихидаги жуда кўп муҳим воқеаларнинг шоҳиди бўлган. Бироқ, Прага ва бутун мамлакатимиз ишчилар синфининг, тараққийпарвар кучларининг бундан 25 йил аввал мана шу ердаги қудратли чиқиши мазкур воқеалар орасида энг шонли воқеа бўлиб, абадий сақланиб қолади. Ўшанда революцион Прага ўз тарихининг энг шонли саҳифаларидан бирини ёзди. Революцион Прага биздаги коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг чинакам қалъаси эканлигини намойиш қилди.

Шунинг учун ҳам февраль воқеаларининг 25 йиллиги муносабати билан Прага шаҳар партия ташкилоти «Зафарли февраль ордени» билан мукофотланди. Биз Прага коммунистларини, корхоналарнинг коллективларини, халқ милицияси отрядларини ва айрим ўртоқларни шу юксак мукофот билан чин кўнгилдан қутлаймиз.

1948 йилнинг февраль кунларида мамлакатимизни ким бошқаради, деган масалани ҳал қилишга тўғри келди. Биз социализм сари олға борамизми ёки капитализм сари орқага қайтамизми, деган масалани ҳал қилишга тўғри келди. Чехословакия империалистик кучларнинг қўлида яна қўғирчоқ бўлиб қоладими ёки СССР ва қардош социалистик мамлакатлар билан мустаҳкам иттифоқ бўлиб, ўз келажагини қатъий қилиб таъминлайдими, деган масалани ҳал қилишга тўғри келди.

Ўтган чорак аср чўққисидан туриб қарасангиз, халқнинг февралдаги ғалабаси нақадар муҳим марра бўлиб қолганлиги, бу ғалаба Чехословакия жамиятимизнинг бундан буёнги бутун ривожланишида қандай роль ўйнаганлиги айниқса равшан ва яққол бўлиб кўринади.

Тарихнинг халқларимиз бошига солган қисмати осон қисмат бўлмади. Биз миллий ва социал зулмга қарши асрлар давомида оғир кураш олиб боришимиз зарур эди. Халқларимизнинг тараққийпарвар, демократ кучлари ватанимизни озод қилиш йўлида катта-катта қурбонлар бердилар. Лекин, ишчилар синфи тарих саҳнасига чиққанидан кейингина бу вазифани ҳал қилиш учун объектив шароитлар пайдо бўлди. Ишчилар синфининг социал адолат учун бошлаган ҳаракати айни вақтда халқларимиз эркинлиги учун олиб борган курашнинг асосий кучи бўлиб қолди. Чехословакия давлати 1918 йилда туғилган даврдаёқ, Улуғ Октябрь социалистик революцияси намунасидан руҳланган ишчилар синфи ўзининг иродасини, янги давлат меҳнаткашлар давлати, социалистик давлат бўлсин, деган иродасини яққол намойиш қилди. Лекин ўша вақтда буржуазия ишчилар ҳаракатининг интилишларини, орзу-умидларини ҳали йўққа чиқаролмаган эди. Бироқ, буржуазия йигирма йил ҳукмронлик қилган бўлса ҳам давлатимизнинг асосий ички ва ташқи сиёсат проблемаларидан биронтасини ҳам ҳал қила олмади.

Буржуазия меҳнаткашларни иш ва нон билан таъминлай олмади. Халқларимизга на эркинлик, на мустақиллик беролмади. Ниҳоят, мамлакатимиз буржуазияси ўзининг ғаразли синфий манфаатларини кўзлаб, ғарб империализми билан иттифоқ тузиб, мамлакатимизни Мюнхенга, оккупация қилинишига олиб келди. Чех ва словак буржуазияси тарихий синовларда ўзини. Климент Готвальд айтганидек, мамлакатнинг жонкуяр хўжайини эмас, балки миллий ва давлат манфаатларимизга хиёнат қилувчи ва бизга кулфатлар келтирувчи хоин эканлигини кўрсатди. Аксинча ўзининг коммунистик авангарди бошчилигидаги ишчилар синфи фашизмга кескин равишда қарши чиқди ва ишчилар синфининг интернационализми айни вақтда бирдан-бир чинакам ватанпарварлик эканлигини исботлади. Шунинг учун ҳам ишчилар синфи миллий озодлик курашимизнинг қонуний равишда етакчи кучи бўлиб қолди. Чехословакия давлатини қайта тиклаш мақсадида олиб борилган кураш айни вақтда ишчилар синфи учун бу давлатни янги, чинакам халқ давлатига айлантириш йўлидаги кураш ҳам бўлди. Коммунистларгина барча ватанпарвар кучларни жипслаштиришга, словак миллий қўзғолони, Прагадаги ва мамлакатнинг чех областларидаги халқ қўзғолонлари кунларида ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилган миллий озодлик ҳаракатининг ғалаба қилишига олиб келишга муваффақ бўлдилар. Сўнгра партия миллий озодлик кураши ғояларини халқ демократик революцияси программасига айлантирди. Кошицк ҳукумат программаси мана шу программанинг ёрқин ифодаси бўлди ва уни бутун халқимиз ўз программаси деб мамнуният билан қабул қилди. Халқларимизнинг миллат бўлиб яшашига, фашистлар асоратидан қутулишимизга энг содиқ дўстимиз ва иттифоқчимиз қардош Совет Иттифоқи туфайли эришганлигимизни ҳеч қачон унутмаймиз.

Совет халқи берган сон-саноқсиз қурбонларни ҳеч қачон унутмаймиз. иккинчи жаҳон уруши йиллари, бизга эркинлик олиб келган Совет Армиясининг қаҳрамонона кураши ҳеч қачон эсимиздан чиқмайди. Февралнинг 25 йиллигини биз нишонлаб турган мана шу кунда тинчлик ва социализмнинг, халқлар эркинлиги ва хавфсизлигининг мустаҳкам қалқони — шонли Совет Армияси ўзи туғилган кунни байрам қилмоқда. Унинг байрами кунида биз Совет Армиясига жанговар ўртоқлик саломини йўллаймиз.

Партиямизнинг ва мамлакатимиздаги тараққийпарвар кучларнинг бутун кураши аввал бошданоқ Октябрь революцияси билан, Совет Иттифоқи билан чамбарчас боғланди. Мюнхендаги хоинликнинг, уруш ва озодликнинг тарихий тажрибаси Совет Иттифоқи билан мустаҳкам иттифоқ бўлиш миллий эркинлигимизнинг ва миллий давлатимизнинг, мустақиллигимизнинг ва тинч ривожланишимизнинг узоқ муддатли ва ишончли бирдан-бир гарантияси, деган қатъий фикрга халқимизни олиб келди. Жаҳондаги урушдан кейинги ривожланиш бу хулосанинг тарихан тўғри хулоса эканлигини жуда яққол исботлаб берди. Совет Иттифоқи билан ўртоқларча ҳамкорлик қилмаганимизда, ундан ҳар томонлама мадад ва интернационал ёрдам олиб турмаганимизда биз республикамизда социализм қура олмаган бўлур эдик. Шу сабабли шонли февраль ғалабасининг 25 йиллиги байрам қилинаётганлиги муносабати билан бизга ҳамиша бериб келган ва ҳозиргача ҳам берилаётган ҳар томонлама ёрдам учун совет халқига, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг ленинчи Марказий Комитетига сидқидилдан ўртоқларча миннатдорчилик изҳор қиламиз. Совет қардошларимизни ишонтириб шуни айтамизки, чехословак халқи, Коммунистик партиямиз бугун ҳам, бундан буён ҳам уларнинг ишончли иттифоқчилари ва содиқ дўстлари бўлиб қоладилар.

Қалин дўстимиз, Совет Армиясининг генерали сифатида Ватанимизни озод қилишга ёрдамлашган, Чехословакия Социалистик Республикасининг қаҳрамони, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев февраль ғалабаси муносабати билан бўлаётган тантаналарда қатнашаётганлиги биз учун, ўртоқлар, катта шарафдир, бизга нисбатан ғоят чуқур қардошлик туйғуларини ифодаловчи фактдир. Биз уни чин кўнгилдан табриклаймиз ва сизнинг номингиздан чехословакиянинг олий ордени — биринчи даражали Оқ шер ордени билан (занжири билан) мукофотланганлиги билан қутлаймиз. Бизнинг жанговар саломимизни ва коммунистик қурилиш ишида катта муваффақиятлар тилаб билдирган истакларимизни совет халқига ва унинг шонли Коммунистик партиясига топширишни ўртоқ Брежневдан илтимос қиламиз.

Ўртоқлар! Мамлакатимиз озод қилинганлиги ва 1945 йил революциясининг ғалабаси ҳаётимизга тубли ўзгаришлар киритди. Ишчилар синфи ва меҳнаткаш халқ мамлакатда ўз нуфузига яраша мавқени эгаллашга муваффақ бўлдилар. Саноатнинг анча қисми национализация қилинди, ер ислоҳоти ва бошқа революцион ўзгаришлар амалга оширилди. Бироқ буржуазиянинг бир қисми — фашизмга қарши курашда қатнашган қисми — ҳали ҳокимиятда сақланиб қолмоқда эди. 1945 — 1948 йиллар тараққиёт билан реакция кучлари ўртасида кескин синфий кураш даври бўлди. Коммунистлар ва улар билан бирга халқнинг аксарияти халқ-демократик революцияси ғалабаларини янада ривожлантиришга интилдилар. Миллий фронтнинг бирлашган программасини оғизда қўллаб-қувватлаётган буржуазия эса амалда уни йўққа чиқариш учун ҳамма чораларни кўришга ҳаракат қилди. Коммунистларнинг яратувчилик меҳнатига буржуазия республикани барбод қилишдан иборат бўлган ўз планини қарама-қарши қилиб қўйди, мамлакатимизни яна Ғарбга қарам қилиб қўйиш ниятида бизнинг СССР билан иттифоқ тузишимизга қарши чиқди.

Буржуазия намояндаларининг ҳақиқий синфий характери ва реакцион мақсадларини партиямиз ҳокимият учун олиб борилган кескин сиёсий курашда фош қилиб ташлади. Шунинг учун ҳам меҳнаткаш халқ ўзини революцион кураш самараларидан маҳрум этишга йўл қўймади. У 1920 йилнинг такрорланишига йўл қўймади. Чунки ишчилар синфи тажрибали бўлиб қолган ва жипслашган синфга айланган эди, унинг жангларда синалган, бақувват революцион раҳбарликка эга бўлган Коммунистик партияси мавжуд эди. Ишчилар билан деҳқонларнинг мустаҳкам иттифоқи мавжуд эди, империалистларнинг интервенция қилишга қаратилган ҳар қандай уринишига сира йўл қўймайдиган Совет Иттифоқи содиқ иттифоқчимиз бўлиб, халқимизнинг мададкори бўлиб қолган эди.

Февраль ғалабаси айни вақтда Европанинг урушдан кейинги тузилиши учун, жаҳон социалистик системасини шакллантириш учун олиб борилган курашда ҳам катта ғалаба бўлди. Февраль воқеалари халқаро коммунистик ҳаракатни ишчилар синфи ҳокимиятини ўрнатиш учун курашнинг янги тажрибаси билан бойитди.

Февраль ғалабаси капитализмни ағдариб ташлаш учун меҳнаткаш ва Коммунистик партия олиб борган кўп йиллик революцион курашнинг энг авжга чиққан пайти бўлди. Партиямиз ишчилар синфининг, меҳнаткашларнинг, халқларимизнинг манфаатлари учун энг изчил курашчи эканлигини қийин жангларда исбот қилди. У ғалабага эришмоқ учун бу курашни қай тарзда олиб бориш кераклигини ленинизм мактабида, рус большевикларининг мисолида ўрганиб ва билиб олди. Партиянинг етакчи сиёсий кучга айланиши бизнинг ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг атоқли революцион арбоби Клемент Готвальд номи билан абадий боғланган. Февраль ғалбасининг 25 йиллигини байрам қилар эканмиз, унинг унутилмас хизматларини, мамлакатимиздаги ишчилар синфининг ғалабасига қўшган ҳиссасини ҳурмат ва миннатдорчилик билан эсга оламиз.

Ўртоқлар! Февраль социализм қуриш йўлини очиб берди. Миллион-миллион кишиларнинг фидокорона меҳнати туфайли Ленинча социалистик жамият қуриш плани ўтган 25 йил ичида амалга оширилди. Янги ва олий ижтимоий тузум бўлган социализм халқнинг умидини оқлади. У бизнинг мамлакатимизда ҳам ўзининг афзалликларини ҳар томонлама исботлаб берди. Чорак аср ичида у жамиятимизнинг асосий миллий, давлат ва ижтимоий проблемаларини ҳал қилиб берди. У капитализм уддалашга ожиз бўлган проблемаларни муваффақиятли ҳал қилиб берди. Буржуазиянинг ҳукмронлиги бир ҳовуч олий табақаларга хос демократия бўлур эди, социализм чоғида эса халқнинг ўзи мамлакатнинг ҳақиқий хўжайини бўлиб қолди.

Экономикада капитализм турғунлик ва танглик демакдир. Социализм экономикани доимий ва анча юксалтиришни таъминлади.

Капитализм шароитида ишчилар синфининг ва меҳнаткаш халқнинг қисмати ишсизликдир. Эртанги кунга ишончсизлик, қашшоқлик ва саргардонликдан иборатдир. Социалистик воқелик меҳнаткашларнинг турмуши юксак даражада бўлишини, тўла социал ишончга эга бўлишни ва умидли истиқболни таъминлаб берди.

Капиталистик Чехословакия миллий зиддиятлар гирдобида типирчилаб қолган эди. Социализм мамлакатимизда миллий масалани ленинизм руҳида одилона ҳал қилди, чех ва словак халқларининг ҳамда бошқа миллатларнинг қардошларча бирлиги ва ҳамкорлигини таъминлади.

Словакия қолоқ аграр ўлкадан саноати ривожланган республикага айланди. Унинг экономикаси ягона Чехословакия экономикасининг муҳим таркибий қисми бўлиб қолди.

Буржуазиянинг бошқариш услуби давлатимизни халқаро микёсда ҳам беқарор қилиб қўяр эди. Социализм халқимизга социалистик давлатлар билан чорак асрдан бери қилиниб келинган ҳамдўстлик натижасида тинч ҳаёт, мустаҳкам халқаро мавқе келтирди.

Капиталистик ҳукмронликдан қутулган халқгина мана шундай натижаларга эриша олади. Аммо биз социализмнинг афзалликларини ва истиқболларини мамлакатимизда қўллана ва ривожлантира бошлаганимизга нисбатан унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Вазифаларнинг янгилигига ва мураккаблигига қарамай партиянинг тўғри сиёсати, миллион-миллион кишиларнинг фидокорона ва илҳомбахш меҳнати туфайли халқларимизнинг бутун тарихи давомида мисли бўлмаган энг катта муваффақиятларга эришдик. Бу муваффақиятлар буржуазия эришган муваффақиятларнинг ҳаммасидан таққослаб бўлмас даражада ортиқдир.

Шонли февраль ғалабасининг 25 йиллиги муносабати билан биз капитализмга қарши, миллий озодлик учун, ҳозирги авлодларимизнинг яхши ҳаёт кечириши учун революцион шижоат ва матонат билан курашган ва шу курашда ғалаба қозонганларнинг ҳаммасига чуқур миннатдорчилигимизни ва ташаккуримизни изҳор қиламиз. Тарихий февраль ғалабасига ўз ҳиссасини қўшганларнинг ҳаммасига таҳсин ва офаринлар айтамиз. Ишчилар синфига, кооперативлашган деҳқонларга, зиёлиларга, мана шу шонли ғалабанинг авангарди, ташкилотчиси ва илҳомчиси бўлган Коммунистик партиямизнинг аъзоларига, ёшларимизга, хотин-қизларимизга, Қуролли Кучларимизга, социалистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли бажаришга ўз ҳиссасини қўшганларнинг ҳаммасига ташаккур сўзлари билан мурожаат қиламиз. Биз 25 йил муқаддам вужудга келган халқ милициясининг ролини миннатдорчилик билан тақдирлаймиз. Биз бугунги кунда ҳам уни табриклаймиз. Биз халқимизнинг революцион ғалабаларини сақлаб тураётган миллий хавфсизлик корпусининг, халқ армиямизнинг қуролли бўлинмаларини ҳам табриклаймиз.

Тарихда энг катта ижтимоий ўзгариш қилишдан иборат бўлган социализм қурилиши давомида изланишлар ва қийинчиликлар бўлиб турди. Бироқ хатолар ва нуқсонлар бизнинг ватанимизда социализм узил-кесил ва абадий ғалаба қилганлигидан, ЧССР социалистик лагернинг мустаҳкам ва ажралмас таркибий қисми ва СССРнинг содиқ иттифоқчиси бўлганлигидан далолат берувчи фактнинг тарихий аҳамиятини камайтира олмайди.

1968 йилда ревизионистлар бизнинг муваффақиятларимизни бузиб кўрсатишга, февраль натижаларини ревизия қилишга ва тарих ғилдирагини орқага буришга уриниб кўрдилар. Бироқ, уларнинг контрреволюцион планлари халқнинг иродасига ва манфаатларига зид эди, социализм, Совет Иттифоқи билан дўстлик ғоялари халқнинг онгига ва қалбига чуқур томир отган эди. Марксизм-ленинизмга ва пролетар интернационализмига содиқ бўлган партия ва халқ кучлари иттифоқчиларимизнинг интернационал ёрдамига таяниб, контрреволюциянинг ҳужумларини даф қилдилар. Ошкора сиёсий курашда ўнг оппортунист ва антисоциалист кучлар мағлубиятга учради. 1969 йилнинг апрелидан сўнг Чехословакия Коммунистик партияси раҳбарлигида биз мамлакатимизнинг вайрон бўлган жойларини тиклаб олдик, уни социалистик ривожланиш йўлига қайтардик. Биз тангликдан жуда катта сабоқ чиқариб олдик. Энди биз халқимизнинг социалистик ғалабаларини ва Совет Иттифоқи билан бўлган дўстлигимизни хавф остида қолдиришга ҳеч қачон йўл қўймаймиз. Революцион ишчилар синфи 1948 йилнинг февралида қандай қатъият билан ҳаракат қилган бўлса, биз мана шу социалистик ғалабаларни ва Совет Иттифоқи билан бўлган дўстлигимизни шундай қатъият билан асраймиз ва ҳимоя қиламиз.

Ўртоқлар! Партия Марказий Комитети яқинда бўлиб ўтган пленумда чорак асрлик социалистик қурилиш натижаларини ва Чехословакия Коммунистик партиясининг XIV съездидан кейин қилган ишларимизни якунлаб берди. Бу якунлар жуда ижобий якунлардир. Ўтган 25 йил мамлакатимизда социализмнинг, марксизм-ленинизм ғояларининг тантанаси бўлиб қолди. Халқимиз, ишчилар синфи ва унинг Коммунистик партияси эришилган муваффақиятлар билан ҳақли равишда фахрланадилар, лекин шу муваффақиятлар билан хотиржам бўлиб қолмайдилар. Февраль натижаларини янада ривожлантириш бугунги куннинг ва эртанги кунимизнинг революцион вазифаларини энг кўп куч ва ғайрат сарфлаб ҳал этиш демакдир. Бу нарса биздан партиянинг бирлигини, унинг ленинизм ғояларига содиқлигини бутун кучимиз билан мустаҳкамлашимизни талаб қилади. Бу нарса биздан партия билан халқнинг бирлигини, ишчилар, деҳқонлар ва қолган меҳнаткашларнинг, Республикамиздаги миллатлар ва элатларнинг иттифоқини, Совет Иттифоқи ва социалистик иттифоқчиларимиз билан иттифоқимиз ва дўстлигимизни ҳормай-толмай чуқурлаштиришимизни талаб қилади.

Бунга эришиш йўлини бизга Чехословакия Коммунистик партиясининг XIV съезди кўрсатиб берди. Съезднинг қарорлари социалистик жамиятимизни янада ривожлантиришнинг мукаммал программасидир. Бу қарорлар халқимизнинг манфаатларини, орзу-истакларини ифодалайди. Шунинг учун ҳам халқ бу қарорларни тўла равишда қабул қилди ва амалга оширмоқда. Съезддан бери орадан салкам икки йил вақт ўтди. Шу йиллар экономикамиз учун, халқимиз учун, халқимизнинг турмуш даражасини ўстириш учун яхши йиллар бўлди. Ҳамма соҳаларда катта юксалиш қўлга киритилди. Бироқ, биз хотиржамлик кайфиятига берилмаймиз. Биз ҳали кўп иш қилишимиз керак. Олдимизда ҳали кўпгина қийинчиликлар турибди. Бироқ, янада муваффақиятли олға бориш учун зарур нарсаларнинг ҳаммаси бизда бор. Биз етарли тажриба ва билим, мардлик ва ғайрат орттирганмиз. Бизнинг ривожланган қудратли иқтисодий потенциалимиз бор. Биз қудратли ва ишончли иттифоқчиларга таянмоқдамиз. Шу сабабли биз социалистик ватанимизга янгидан-янги равнақ келтирувчи келажакка ишонч ва зўр умид билан қараймиз.

1948 йилнинг февралида бўлганидек, ҳозир ҳам халқимиз съезд ва бешинчи беш йиллик вазифаларини бажариш учун, социалистик жамиятимизни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун буюк ҳаракатга қўшилмоқда. Мамлакатимизнинг тақдири ва келажагини қадрловчи ҳар бир киши бу ишга ўз меҳнати билан ҳисса қўшишига аминмиз. Бундан буёнги йиллар биз бундан 25 йил муқаддам — 1948 йилнинг шонли февралида бошланган революцион йўлимизнинг муносиб давоми бўлади.

Чехословакия меҳнаткаш халқи февраль ғалабасининг 25 йиллигига шон-шарафлар бўлсин!

Яшасин шонли февраль ғалабасининг буюк кўрсатмаларини амалга ошираётган Чехословакия Социалистик Республикаси ва унинг қаҳрамон меҳнаткаш халқи!

Яшасин бизнинг иттифоқчимиз ва содиқ дўстимиз, бутун дунёда тинчлик ва социализмнинг ҳимоячиси бўлган Совет Иттифоқи ва унинг ленинчи Коммунистик партияси!

Яшасин халқимизни февраль ғалабасига олиб келган ва бизни ривожланган социалистик жамият қуриш йўлидан олға бошлаб бораётган Чехословакия Коммунистик партияси!

ЧКП Марказий Комитети Бош секретари Г. Гусакнинг нутқи давомли қарсаклар билан, ЧКП, Февраль ғалабаси шарафига, Совет Иттифоқи ва Совет Армияси шарафига, бузилмас Чехословакия — Совет дўстлиги шарафига табрик хитоблари билан бўлиниб турди.

Митинг қатнашчиларининг қарсаклари ва табрик хитоблари остида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга сўз берилади.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқ Гусак!
Азиз ўртоқ Свобода!
Азиз ўртоқ Штроугал!
Праганинг ҳурматли гражданлари!
Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Катта миллий байрам кунида — тарихий февраль ғалабасининг 25 йиллик кунида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати Социалистик Чехословакиянинг барча коммунистларини, меҳнаткашларини шонли юбилей билан чин кўнгилдан қутлайдилар. Сиз, Чехословакиялик қардошларга бутун совет халқидан қизғин салом!

Шу байрам муносабати билан ўртоқ Густав Гусак айтган фикрларга ва ҳис-туйғуларга тўла-тўкис қўшиламан. Ўша кунлардаги воқеаларга чорак аср тўлган ҳозирги кунда 1948 йилнинг феврали урушдан кейинги тарихнинг бурилиш бошлаб берган воқеаларидан бири бўлганлиги айниқса равшан кўриниб турибди. Ўша кунлардаги кураш жаҳон майдонидаги катта синфий жанг бўлди, бу жангда социализм енгиб чиқди. Бу ғалаба Чехословакия халқлари тақдиридаги тубли бурилиш бўлди.

Мана шу Старомест майдонида Клемент Готвальднинг Коммунистик партия номидан қилган алангали чақириғига ишчилар синфи, деҳқонлар, мамлакатнинг бутун меҳнаткаш халқи лаббай, деб жавоб берди. У бундан буён Чехословакия империалистлар қўлида қўғирчоқ бўлиб қолмайди, деб қатъий ва дангал айтди. Халқ социализм йўлини, чинакам мустақиллик, демократия ва тараққиёт йўлини танлаб олди.

Чехословакия ўз захматкашларининг моҳирлиги билан, ўз инженерлари, олимларининг таланти билан, ёзувчилари, композиторлари, рассомларининг санъати билан қадимдан машҳур. Чехословакия халқи мана шу мустаҳкам пойдеворга таяниб янги социал шароитда мамлакатнинг иқтисодий ва маданий потенциалини кўп карра кўпайтирди. Социализм қуришдаги бу муваффақиятлар шунинг учун ҳам айниқса салмоқли бўлдики, бу муваффақиятлар ғоят қийин шароитда, мамлакат ичидаги ва ташқарисидаги душман синфий кучларнинг февраль ғалабаларини тортиб олиш ниятидан қайтмай қаршилик кўрсатиб келаётганлигига қарамай қўлга киритилди.

Бугунги Чехословакия жаҳондаги илғор, иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг бири бўлиб турибди. Халқаро ишларда унинг роли ва таъсири тўхтовсиз кучайиб бормоқда. Бу эса Коммунистик партия раҳбарлигида ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар 25 йилдан бери олиб бораётган кураш ва меҳнатнинг қонуниятли натижасидир, марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принципларига асосланган сиёсатнинг реал самараларидир.

Азиз дўстлар!

Ҳар сафар сизларнинг ҳузурингизга келганимда 1945 йилнинг зафарли баҳори. Прага ва бошқа шаҳарларнинг кўчаларида биз, совет жангчилари чехлар ва словаклар билан қардошларча қучоқлашган кунлар, фашизм устидан қозонилган ғалабани биргаликда байрам қилган кунларимиз беихтиёр эсимга тушади. Совет халқига бўлган ташаккур ва меҳр-муҳаббат мана шу тарзда изҳор этилганлиги, совет халқи берган катта қурбонлар ва муштарак курашимизда сарфланган куч ва ғайрат эътироф этилганлиги ўша вақтда Чехословакия озодлиги учун курашган барча совет жангчилари сингари менинг ҳам қалбимда абадий сақланиб қолади.

Бугунги кун ҳаммамиз учун икки ёқлама аҳамиятга эга. Чунки февраль ғалабасининг тантанаси ўзининг 55 йиллигини нишонлаётган Совет Армияси ташкил этилганлигининг байрами билан бир вақтга тўғри келиб қолди. Бинобарин, фашизмга қарши олиб борилган шиддатли жангларда ҳозир Чехословакия Социалистик Республикасининг ҳурматли Президенти генерал Людвик Свободанинг машҳур корпусидаги чехлар ва словаклар совет солдатлари билан ёнма-ён туриб жанг қилганлигини эсламаслик мумкин эмас. Ўша жанглар қуролдошларнинг чинакам қардошлиги бўлган эди.

Ўтган йиллар давомида дўстлигимиз мустаҳкамланди ва вояга етди. Совет Иттифоқи ва Чехословакия халқларининг ҳаётига ва меҳнатига асосий мазмун берган нарсаларнинг ҳаммаси сизлар билан бизни қон-қардош қилиб ва бирлаштириб турибди. Сизлар билан биз ишчилар синфининг идеалларини рўёбга чиқариш учун бирга курашмоқдамиз. Ҳаммамиз биргаликда тинчликка интилмоқдамиз. Социализм мамлакатларининг хавфсизлигини таъминламоқ ва инсониятни уруш хавфидан халос қилмоқ учун бутун кучимизни сарфлашга маҳкам бел боғлаганмиз. Варшава Шартномаси, қардош мамлакатлар ўртасида тузилган икки томонлама Шартномалар мана шу қатъиятга асосланган. Сизлар билан биз бир бўлиб ўзимизнинг муштарак буюк мулкимиз бўлган социалистик ҳамдўстликни қурмоқдамиз ва мустаҳкамламоқдамиз.

Социализм ва коммунизм қуриш йўлида суверен, мустақил давлатларнинг ихтиёрий равишда маҳкам жипслашганлиги, уларнинг бир-бирларини ниҳоят даражада ҳурмат қилаётганлиги, уларнинг тўла тенг ҳуқуқлилиги, бир-бирларига қардошларча ёрдамлашаётганлиги— мана шунинг ўзи бизнинг ҳамдўстлигимиздир.

Ҳар бир қардош мамлакатнинг ва умуман социализм ишининг манфаатларини кўзлаб сиёсат, экономика ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида жуда кенг равишда ҳамкорлик қилинаётганлиги — мана шунинг ўзи бизнинг ҳамдўстлигимиздир!

Империализмга қарши курашдаги бирлигимиз, агрессияга қаттиқ зарба бераётганлигимиз, эркинлик, мустақиллик ва социал тараққиёт ишини ҳимоя қилаётганларнинг ҳаммаси билан бирдамлигимиз, мана шунинг ўзи бизнинг ҳамдўстлигимиздир!

Халқаро воқеалар халқлар учун қулай бўлиб ривожланаётганлигида қардош социализм мамлакатларининг, аниқ мақсадни кўзлаб ўтказаётган муштарак сиёсатимизнинг хизмати катта, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи аҳамияти борлигини эндиликда бутун дунё тан олмоқда.

Тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик тенденциясини мустаҳкамлаш ва барқарор қилиш учун ҳали кўп иш қилишга тўғри келади, албатта. Европа тўғрисида гапирадиган бўлсак, «совуқ уруш» руҳининг ўзини Европадан абадий ҳайдаб чиқармоқ учун бу қитъада ҳам ҳали бир қанча мураккаб проблемаларни ҳал қилиб олиш лозим. Диктат ва зўравонликдан иборат фашизм сиёсатининг ҳеч қандай қолдиқлари Европа давлатлари ўртасидаги муносабатларга доғ туширмаслиги лозим. Биз Чехословакия халқининг Мюнхен битими деб номланган битим ҳақиқий эмас ва ҳуқуқий тартибларга зид деб ҳисоблансин, деган ҳаққоний талабига мана шу позициядан туриб ёндашмоқдамиз. Бу проблема ижобий ҳал этилиши мумкин ва лозим.

Социалистик интернационализм принципларига асосланган ва биргаликда ўтказиб келинаётган сиёсатимиз фақат Европадагина синовдан ўтиб қолмади. Бу сиёсат қаҳрамон вьетнам халқининг ғалаба қилишида ҳам муҳим роль ўйнади. Социалистик давлатларнинг ва бутун дунёдаги тараққийпарвар, тинчликсевар кучларнинг бирлашган куч ва ғайратлари бошқа халқларнинг ҳам агрессияга қарши, ўз эркинлиги ва мустақиллиги учун олиб бораётган курашига ёрдам беришига қатъий ишонамиз.

Азиз ўртоқлар! 1948 йилнинг февраль кунларида Чехословакия Коммунистик партияси «Сира орқага қайтмай, олға борайлик, социализм сари олға борайлик!», — деган шиор остида меҳнаткашларни реакцияга қарши курашга йўллади. Бу жанговар чақириқ ҳозирги кунда ҳам ўз кучини йўқотгани йўқ. Бу жанговар шиор ишчилар синфининг, меҳнаткаш деҳқонларнинг ва халқ зиёлиларнинг онгида ва ишларида яшаб турибди. Бу жанговар шиор Чехословакия Коммунистик партияси XIV съезди қарорларини бажариш йўлида олиб бораётган бутун ишингизда яшаб турибди.

Социалистик Чехословакиянинг янада равнақ топиши учун олиб бораётган курашингизда сизларга тўла муваффақият тилаймиз!

Яшасин совет ва чехословак халқларининг абадий дўстлиги ва қардошларча иттифоқи!

Социалистик давлатларнинг буюк ҳамдўстлиги мустаҳкамлана ва ривожланаверсин!

Яшасин бутун дунёда тинчлик!

* * *

Л. И. Брежнев ўз нутқининг якунловчи сўзларини чех тилида айтди. Унинг бу сўзлари гулдурос қарсаклар, табриклар билан кутиб олинди. Митинг қатнашчилари «Яшасин тинчлик!», «Совет Иттифоқи билан мангу биргамиз!», «Дўстлик!», «Ура!» деб хитоб қиладилар.

А. Капек митинг қатнашчилари номидан совет халқига самимий дўстона салом йўллашни ва чехлар ҳамда словаклар Готвальднинг «Совет Иттифоқи билан мангу биргамиз!» шиорига доим содиқ эканликларини совет халқига маълум қилишни таклиф этади. Яна гулдурос қарсаклар бошланади. Митинг қатнашчилари К. Готвальднинг чорак аср илгари «Совет Иттифоқи билан мангу биргамиз!» деб айтган сўзларини такрорлайдилар.

Старомест майдонида «Интернационал» садоси янграйди. Неча ўн минглаб кишиларнинг овози бир-бирига жўр бўлиб қўшилиб кетади. Прагаликлар коммунистларнинг халқаро гимнини айтадилар.

Митинг тамом бўлса ҳам, кишилар тарқалишгани йўқ. Халқ милицияси, жамоат хавфсизлиги корпусининг отрядлари, Чехословакия халқ армиясининг бўлинмалари минбар олдидан шахдам қадам ташлаб тантанали марш билан ўтадилар.

Байрам паради тамом бўлгач, минбар олдидаги майдон прагаликлар билан лиқ тўлди. Вақти чоғ минг-минглаб кишилар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарини қардошларча самимий табрикладилар. Гулдурос қарсаклар бошланади. «Яшасин СССР», «Яшасин КПСС», «Яшасин ўртоқ Брежнев!» табрик хитоблари янграйди. Неча юзлаб кишилар ўртоқ Л. И. Брежнев билан кўришмоқчи бўлиб қўл узатадилар, уни табриклаб неча минглаб байроқчаларини ҳилпиратадилар. Майдонда «Совет Иттифоқи билан мангу биргамиз!» садолари яна янграйди.

Ю. ЦЕДЕНБАЛ ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Юмжагийн Цеденбал расмий визит билан Ҳиндистонга бора туриб Тошкентда тўхтагач, 23 февралда Деҳлига жўнаб кетди. Монголия Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Рагча, МХР ташқи ишлар министри Л. Ринчин ва Монголиянинг бошқа расмий кишилари ҳам у билан бирга жўнаб кетишди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари С. Е. Белоножко, А. Д. Бесчастнов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бюро аъзолигига кандидат Г. М. Орлов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Г. А. Габриельянц, С. К. Зиёдуллаев, А. Р. Хўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин ва бошқа расмий кишилар Монголия Халқ Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Ю. Цеденбални ва унинг ҳамроҳларини кузатиб қолишди.

Кузатиб қолганлар орасида Монголия Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси Н. Лувсанчултэм ҳам бор эди.

(ЎзТАГ).

БАҲОДИР ЖАНГЧИЛАРГА АБАДИЙ ШОН-ШАРАФЛАР

Социалистик Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда жонини фидо қилганлар хотирасини совет кишилари муқаддас билиб ҳурматламоқдалар. 23 февралда Ўзбекистон пойтахтидаги меҳнаткашлар коллективларининг вакиллари, партия ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, Тошкент гарнизонининг жангчилари Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалок бўлган солдатлар ва офицерлар дафн этилган ҳарбий қабристонга келишди. Ҳалок бўлган жангчиларнинг қабрларига Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Совети номидан, область, шаҳар партия комитетлари, область ва шаҳар ижроия комитетлари номидан, ҳарбий бўлинмалар ва меҳнаткашлар коллективлари номидан гулчамбарлар қўйилди.

Гулчамбарлар қўйиш маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, А. Д. Бесчастнов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бюро аъзолигига кандидат Г. М. Орлов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Г. А. Габриельянц, С. К. Зиёдуллаев, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев қатнашдилар. (ЎзТАГ).

БЕДА ЭКИШ ҚИЗҒИН

Республика областларида ғалла ва беда экишнинг бориши тўғрисида шу йил 23 февралгача бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — ғалла экилган майдон (гектар ҳисобида), учинчи стун — планга нисбатан процент ҳисобида, тўртинчи стун — беда экилган майдон (гектар ҳисобида), бешинчи стун — планга нисбатан процент ҳисобида.

Сурхондарё	8546	62,5	1824	21,1
Қашқадарё	9000	44,8	703	5,1
Сирдарё	11361	26,1	260	1,1
Самарқанд	11886	19,6	66	0,4
Наманган	270	13,5	860	8,3
Тошкент	480	2,6	36	0,2
Андижон	37	0,9	312	3,4
Фарғона	—	—	17	0,1
Бухоро	—	—	—	—
Хоразм	—	—	—	—
ҚҚ АССР	—	—	—	—
Республика бўйича:	41580	23,4	4078	2,9

«Тўққизинчи беш йилликнинг учинчи йилида 1180 та экскаватор тайёрлаймиз!» Тошкент экскаватор заводи коллективининг аҳди шундай. Суратда: корхона механика цехининг коммунистик меҳнат бригадаси аъзоларидан (чапдан) Николай Калмиков, Рифат Шамғунов ва Раҳим Йўлдошевларни кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

ИЛМИЙ БАШОРАТ КУЧИ

(К. МАРКС ВА Ф. ЭНГЕЛЬСНИНГ «КОММУНИСТИК ПАРТИЯ МАНИФЕСТИ» АСАРИ НАШР ЭТИЛГАНИГА 125 ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН).

Бундан 125 йил муқаддам — 1848 йил февралда Лондондаги кичкинагина босмахонада К. Маркс ва Ф. Энгельснинг «Коммунистик партия манифести» асари чоп этилганди. 1847 йилда тузилган Коммунистлар союзининг назарий ва амалий программаси сифатида яратилган мазкур асар илмий коммунизмнинг биринчи программа ҳужжати бўлиб қолди.

В. И. Ленин таъбири билан айтганда, бу асарда ижтимоий ҳаётни ҳам ўз ичига олган янги дунёқараш — изчил материализм, тараққиёт тўғрисидаги энг мукаммал ва чуқур таълимот-диалектика, синфий кураш назарияси, яъни коммунистик жамият ижодчиси бўлган пролетариатнинг оламшумул-тарихий революцион роли тўғрисидаги таълимот доҳиёна бир суратда аниқ ва равшан баён этилган.

«Коммунистик партия Манифести» — К. Маркс ва Ф. Энгельс ишлаб чиққан диалектик материализм чуқур сингдирилган асар. Унда капитализмнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, шу жамиятга хос бўлган ички зиддиятлар, буржуазия билан пролетариат ўртасида чуқурлашиб ва тобора авж оладиган синфий антагонизм рўй-рост кўрсатиб берилган. Буюк мутафаккирлар капитализмнинг ўзлари кашф қилган объектив иқтисодий қонунларига асосланиб, буржуа жамиятининг ҳалокати муқаррар, унинг ўрнини албатта коммунистик жамият эгаллайди, деган фавқулодда дадил хулосани чиқардилар. «Манифест» дунёга келганидан бери ўтган давр, айниқса Улуғ Октябрдан кейинги йиллар мобайнидаги тажриба ва жаҳон социализм системасининг қарор топиш тарихи бу муҳим назарий хулосани амалда тўла тасдиқлади.

Ҳозирги даврда илгаридан мавжуд бўлган традицион ва янгидан вужудга келаётган зиддиятлар жаҳон империализмини ичидан емириб бормоқда. Меҳнат билан капитал ўртасидаги антагонизм, фан-техника революцияси очиб бераётган мислсиз имкониятлар билан капитализм улардан бутун жамият манфаатларини кўзлаб фойдаланиш йўлига солаётган ғовлар ўртасидаги зиддият, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий характери билан уни бошқаришнинг давлат-монополистик характери ўртасидаги зиддият, милитаризмнинг ўсиб бориши, мустамлакачилик системасининг емирилиши, империалистик мамлакатлар ўртасидаги зиддиятлар, энг муҳими социалистик ҳамдўстликнинг бекиёс улкан одимлари капитализм системасининг бекарорлигини кучайтирмоқда.

Капитализмнинг тарихий тақдири хусусида жаҳон коммунистик ҳаракатининг биринчи программ ҳужжати «Манифест»да баён этилган буюк илмий башорат шу тарика тасдиқланмоқда.

К. Маркс ва Ф. Энгельс тарихда маълум бўлган барча синфлар ичида энг революцион синф бўлмиш пролетариатнинг оламшумул-тарихий ролини мукаммал асослаб бердилар. Ҳозирги вақтда буржуазияга қарши турган барча синфлардан фақат пролетариатгина ҳақиқатан революцион синф эканлиги «Манифест»да исбот этилган. Ишчилар синфи фақат ўзини озод қилиш учунгина капитализм билан жанг қилмайди. У ўзи билан бирга эксплуатация қилинувчи бошқа синф ва ижтимоий табақаларни ҳам буржуазия зулмидан озод қилади ва янги ҳаёт қуришга бошлаб боради.

Пролетариат диктатураси «Манифест»нинг муҳим ғоясидир... **Ишчилар революциясининг биринчи қадами,** — деб уқтирган эдилар илмий коммунизм асосчилари, — **пролетариатни ҳукмрон синфга айлантириш, демократияни қўлга олишдир.**

Пролетариат ўз сиёсий ҳукмронлигидан буржуазия қўлидаги ҳамма капитални бирин-кетин тортиб олиш учун барча ишлаб чиқариш қуролларини давлат қўлида марказлаштириш учун ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг миқдорини мумкин қадар тезроқ орттириш учун фойдаланади».

В. И. Ленин «Давлат ва революция» асарида, «Манифест»нинг шу қоидасини марксизмнинг давлат масаласидаги энг ажойиб ва энг муҳим ғояларидан бири, пролетариат диктатураси ғоясининг таърифи, деб баҳолади.

Улуғ йўлбошчилар пролетар революцияси амалга ошириши лозим бўлган тадбирлар программасини ҳам асослаб бердилар. Бу тадбирлар: ер мулкини экспроприация қилиш, барча муҳожирлар ва исёнчиларнинг мол-мулкини мусодара қилиш, кредит ва транспортни давлат қўлида марказлаштириш, давлат фабрикалари сонини ошириш, деҳқончилик билан саноатни бирлаштириш, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги зиддиятларнинг аста-секин йўқолиб боришига ёрдам бериш, меҳнатни барчага бирдек мажбурий қилиб қўйиш, барча болаларни жамият ҳисобига бепул тарбиялаш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Марксизмнинг бу йўл-йўриқлари янги жамият барпо этиш эҳтиёжларини нақадар тўғри акс эттиргани ҳаётда тўла тасдиқланди. КПСС Программасида айтилганидек, СССРнинг тажрибаси халқлар социалистик революция ва пролетариат диктатурасини амалга ошириш натижасидагина социализмга чиқа олиши мумкинлигини исбот қилди.

«Манифест»да ишчилар синфининг оламшумул-тарихий вазифасини амалга оширишида янги типдаги пролетар партиясининг етакчи ва раҳбарлик ролини асослашга катта эътибор берилган. Бу асарда партия тўғрисидаги марксистик таълимотнинг энг муҳим қоидалари таърифланган «Коммунистлар..., — деб кўрсатган эдилар Маркс ва Энгельс, — **амалда барча мамлакатлардаги ишчи партияларининг энг журъатли ва ҳар доим илгарига қараб ҳаракат қилишга рағбатлантирувчи қисмидирлар, назарий жиҳатдан эса улар пролетар ҳаракатининг шарт-шароитларини, боришини ва умумий натижаларини тушунишда бошқа пролетариат оммасидан юқори турадилар».**

Марксистик партия тўғрисидаги таълимотнинг буюк ҳаётий кучи, ишчилар синфи революцион курашида, янги жамият қурилиши жараёнида Коммунистик партиянинг ташкилотчилик ва раҳнамолик роли нақадар зарур эканлиги инсониятнинг ярим асрдан ортиқ кейинги тарихида қайта-қайта исбот қилинди. Ҳозирги замон халқаро ишчилар ҳаракатининг муваффақиятлари, аввало унинг жаҳон социализм системасини яратиш ва барқарор қилишдаги буюк зафарлари марксчи-ленинчи партиялар раҳбарлигининг шарофатидир.

Октябрь революцияси, Ленин тузиб, вояга етказган Коммунистик партиянинг ривожланган социалистик жамият қуришдаги назарий ва амалий фаолияти бутун дунё ишчилар синфига худди шундай янги типдаги партия ниҳоятда зарур эканлигини яққол кўрсатди. Ҳозирги вақтда дунёдаги 90 мамлакатда, яъни ишчилар синфига эга бўлган ҳамма мамлакатларда марксчи-ленинчи Коммунистик ва ишчи партиялар мавжуд. Агар «Манифест» яратилган пайтда дунёда коммунистлар бир неча юз кишидангина иборат бўлса, ҳозир уларнинг миқдори 50 миллиондан кўпдир. Ана шундай улкан отряддан иборат жаҳон коммунистик ҳаракати эндиликда энг қудратли ва таъсирчан кучга айланган. У айни замонда жаҳон революцион жараёнини тезлаштирувчи омил сифатида иш курмоқда. Инсоният социал тараққиётини замонанинг энг йирик, уюшган шу сиёсий ҳаракатисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

«Манифест»да коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг энг муҳим принципи — пролетар интернационализми принципи биринчи марта назарий жиҳатдан асослаб берилди. Бу принцип қатрада қуёш акс этганидек, асар охирида янграган **«Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!»** деган шиорда ўз ифодасини топган.

Ана шу марксистик қоидани янги тарихий шароитларда ривожлантирган В. И. Ленин большевиклар партиясини чинакам пролетар интернационализми партияси сифатида тузди, тарбиялади, вояга етказди. Бу партия ўз идеологиясига, қурилиш типига, фаолият характерига кўра чуқур интернационал партиядир. У ўз сафларида Россиядек кўп миллатли мамлакат пролетариатини бирлаштириб, барпо этилган вақтдан эътиборан яхлит бир бутуннинг ажралмас таркибий қисми сифатида, халқаро коммунистик ҳаракатнинг жанговар отряди сифатида иш кўриб келмоқда. Бу ҳол ленинчи интернационалист партиямизнинг жаҳон коммунистик ҳаракатига, социалистик ҳамдўстликка ва миллий-озодлик ҳаракатига бўлган муносабатларида яққол намоён бўлмоқда.

Умумий кризиси чуқурлашиб бораётган империализм кўпгина халқларни ҳали ҳам эзиб келмоқда, бинобарин, тинчлик ва социал тараққиёт иши учун доимий хавф-хатар манбаи бўлиб келмоқда. Ана шу вазият империализмга, реакция ва уруш кучларига қарши ҳужумни янада авж олдиришни, бунинг учун эса коммунистларнинг, барча антиимпериалистик кучларнинг ҳаракат бирлигини мустаҳкамлашни тақозо этади. Шунинг учун ҳам Коммунистик ва ишчи партиялар Москва халқаро Кенгашининг (1969) Асосий ҳужжатида марксизм-ленинизм таълимоти ва замон талабларидан келиб чиқиб, интернационалистик бирликка чақирувчи қуйидаги шиорни майдонга ташладилар: **«Социалистик мамлакатларнинг халқлари, капитал мамлакатларидаги пролетарлар, барча демократик кучлар, озод бўлган ва мазлум халқлар тинчлик, миллий мустақиллик, социал тараққиёт, демократия ва социализм учун империализмга қарши муштарак курашга бирлашингиз!».**

«Манифест»да миллий масалани ҳал қилишнинг асосий қоидалари ҳам баён этилган. Маркс ва Энгельс пролетариатнинг ғалаба қозониши ва эксплуатациясиз жамиятнинг қурилиши миллий зулмга барҳам беради, деб кўрсатишди.

Бу буюк башорат СССРда тўла амалга оширилди. Интернационализм ва демократик централизм принципларига мувофиқ қурилган кўп миллатли совет давлатининг тажрибаси марксизм-ленинизмнинг миллий масала фақат жамиятни социалистик жиҳатдан қайта қуриш асосидагина изчил ҳал этилиши мумкин, деган хулосасини ёрқин исботлаб берди. Ўтмишдан мерос бўлиб қолган миллий масала ўтган ярим аср мобайнида қаҳрамонона ишлар натижасида тўла-тўкис, батамом ва узил-кесил ҳал этилди. ССР Иттифоқининг 50 йиллигига бағишланган тантанали қўшма мажлисда ўртоқ Л. И. Брежнев қилган докладида бу ғалаба қуйидагича таърифланди: **«Бу — СССРда янги жамият қуришда индустриялаш, коллективлаштириш, маданий революция сингари ғалабалар билан ҳақли равишда бир қаторга қўйиш мумкин бўлган ютуқдир».**

Буюк доҳийларнинг ўлмас асари улуғ мақсадга — ҳар қандай эксплуатациядан озод бўлган, табиат кучларини ўз измига бўйсундира оладиган, жамиятни онгли равишда бошқариш имкониятига эга бўлган ҳазрати инсонга, унинг келажагига бағишланган. «Манифест»да шу улуғ мақсадга эришишнинг шарт-шароитлари равшан ифодаланган.

Бундай шарт-шароитларни фақат социализм вужудга келтиради. Социализм инсоннинг ҳар томонлама ривожланиб, камол топиши, ундаги барча қобилиятлар рўёбга чиқиши учун зарур имкониятларни яратади. У янги дунё қуриш жараёнида ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида иштирок этади, жамиятни бошқариш ишларида — меҳнатни ташкил этиш ва яратилган моддий бойликларни тақсимлаш, сиёсий ҳаёт, маданий қурилишда бевосита қатнашади. Буларнинг ҳаммаси инсонни ҳақиқий бунёдкор, янги ҳаёт ижодкори даражасига кўтаради. Демак, меҳнаткашларнинг онгли фаолияти социалистик жамиятнинг атрибутидир. Социализмнинг капитализмга нисбатан улуғ афзалликларидан бири ҳам шундадир.

К. Маркс ва Ф. Энгельс орзу қилган янги жамият бугунги кунда ССР Иттифоқида социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида реал ҳақиқатга айланган. Жамиятни революцион йўл билан ўзгартириш пионери, одамларнинг янги тарихий бирлиги тимсоли бўлмиш совет халқи эса инсониятнинг эзгу нияти — коммунистик жамият қурмоқда. Ҳозир капитализм ўзининг асл моҳиятини пардалаш учун «халқ капитализми», «ялпи роҳат-фароғат давлати», «фаровонлик жамияти» деган ва бошқа турли хил апологетик концепцияларга зўр бермоқда. Турли кўринишдаги оппортунистлар ва ревизионистлар ана шу уйдирмаларни рўкач қилиб, капитализм қалъаларидаги ишчилар синфига эндиликда марксизм-ленинизм эскирди, «Манифест» эълон қилган вазифаларга мавжуд тузумни революцион асосда қайта ўзгартирмасдан туриб ҳам эришиш мумкин, деган хом хаёлларни сингдиришга уринмоқдалар. «Манифест»ни архивга топшириш йўлидаги бу хил уринишлар ҳаёт ҳақиқати қоясига урилиб чилпарчин бўлмоқда. Чунки бу гениал асарнинг ҳар бир сатри ҳозир ҳам капитализмнинг антогонистик зиддиятлари ва иллатларини, уни ҳимоя қилувчиларнинг ғайри-илмий концепцияларини аёвсиз фош этиб, халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракатга ғоят кучли революционлаштирувчи таъсир кўрсатиб турибди.

В. И. Ленин илмий коммунизмнинг бу шох асарига юксак баҳо бериб, мазкур асар **«Бутун дунёга ёйилган ва ҳозиргача ҳамма асосий масалаларда тўғри бўлиб келган, худди кечагина ёзилган жонли асардек кундалик масалаларга жавоб берувчи китоб»** деб ёзган эди. 125 йил давомида «Коммунистик партия манифести» дунё халқларининг 101 тилида 1100 марта нашр этилгани шу юксак баҳонинг ажойиб тасдиғидир.

Ҳамма социалистик адабиётлар ичида энг кўп тарқалган ва энг интернационал асар бўлган «Коммунистик партия манифести» инсониятнинг коммунистик истиқболи учун курашаётганларни ҳамон руҳлантириб, революцион жасоратга ундаб келмоқда.

Т. НАЖМИДДИНОВ,
тарих фанлари кандидати.

ЖОНАЖОН АРМИЯМИЗГА БАҒИШЛАБ

Совет Армияси марказий театри биноси байрамлардагидек безатилган. Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг 55 йиллигига бағишлаб, 22 февралда бу ерда тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Президиумда КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг раиси Г. Ф. Сизов, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, СССР Қуролли Кучлари бош штабининг бошлиғи армия генерали В. Г. Куликов, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи армия генерали А. А. Епишев ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Йиғилиш иштирокчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

Москвадаги «Борец» заводи наладчиги коммунистик меҳнат зарбдори П. Ф. Богданович, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Л. И. Матвеев, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони академик Н. М. Жаворонков Ватан ҳимоячиларини қизғин табрикладилар.

СССР Мудофаа министрининг ўринбосари армия генерали С. К. Куркоткин сўзга чиқиб, партия ташкил этган бизнинг қуролли кучларимиз 55 йилдан бери Улуғ Октябрь ғалабаларини, тинчлик ва социализмни қаттиқ туриб қўриқлаётганлигини айтди. Биз қуролли кучлар тузилганлигининг 55 йиллигини партия XXIV съезди, КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларидан, СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали мажлисда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев докладидан руҳланиб, меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик кучайган бир вазиятда нишонламоқдамиз. Бутун совет кишилари сингари қуролли кучларнинг жангчилари ҳам партиямизнинг КПСС XXIV съезди қарорларида белгиланган қатъий ва изчил ташқи сиёсатини тўла равишда маъқулламоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш тўғрисида, армия ва флотнинг жанговар қудратини ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар.

Тантанали йиғилиш иштирокчилари якдиллик билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига табрикнома қабул қилдилар.

(ТАСС).

Тўйхат ўрнида

ОЛИМ-ПЕДАГОГ

Давримизнинг ҳақиқий илм заҳматкаши учун фаннинг фақат бир соҳаси торлик қилади. Профессор Мажид Баҳодиров учун ҳам шундай. Ҳозир у 70 ёшга тўлди. Олим ўзининг 50 йиллик умрини тупроқшунослик ва арабшунослик фанини ривожлантиришга, шу соҳалар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлашга сарфлади.

Мажид ака 1921 йилдан бошлаб Ўзбекистонда саводсизликни тугатишда фаол қатнашиб, ўрта мактаб ва техникумда ўқитувчилик қилди. Ўша кезларда зиёлилар зиммасида саводсизликни тугатиш билан бир қаторда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ёрдам беришдек шарафли ва муҳим вазифалар турарди. Буни чуқур ҳис этган М. Баҳодиров ана шу умумхалқ ҳаракатида жонбозлик кўрсатди.

М. Баҳодиров 1930 йилда Тошкентда очилган Ўрта Осиё пахтачилик институтига ўқишга киради. У студентлик йилларида ишчилар факультетида, педагогика техникумида, ўқув комбинатида ўқитувчилик қилиб, халқ хўжалигининг кўпгина соҳалари учун муносиб кадрлар етиштирди.

Институтни муваффақиятли битирган М. Баҳодиров СоюзНИХИнинг ўғит ва агротупроқшунослик станциясида илмий ходим ҳамда Тошкент қишлоқ хўжалиги институти тупроқшунослик кафедрасида ассистент бўлиб ишлади. Бўлажак олим бу давр ичида Ўзбекистон далаларини кезиб чиқди. Оқилкор деҳқонлар, етук олимлар билан бамаслаҳат иш тутди. Бу тинимсиз изланишлар ўз самарасини кўрсатди. Ўзбекистон боғдорчилик ва виночилик трестига қарашли «Вревский», «Қорақалпоқ», «Тўйтепа», «Пахта» совхозлари, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ўқув-тажриба хўжалиги, «Қизил азамат» колхози, Фарғона областидаги Бешариқ, Ўзбекистон, Риштон районларининг картасини тузди. Бу тупроқ карталари деҳқонлар учун бамисоли тупроқнинг кўзгуси бўлди. Негаки, ерни ҳайдаш, ўғит солиш, шўрни ювиш-ҳаммаси М. Баҳодиров тузган тупроқ картаси ва у ёзган очеркда очиқ-ойдин кўрсатиб берилган эди.

1945 йилда Ўрта Осиё Давлат университети маъмуриятининг илтимосига кўра, М. Баҳодиров шарқ факультети араб тили кафедрасига мудирлик лавозимига ишга ўтиб, араб тилидан дарс берди ва дарслик ёзди. Шу билан биргаликда у муносиб шогирдлар етиштириб чиқарди.

М. Баҳодиров тилшунослик соҳасида ишлаш билан бирга тупроқшунослик фанини янада ривожлантириш учун астойдил ҳаракат қилди. Далама-дала кезиб йиққан материалларини тўплаб, умумлаштириб, 1946 йилда қишлоқ хўжалик фанлари кандидати деган илмий даражани олди.

Унинг Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида ишлаётганига салкам 40 йил бўлди. Бу даврда М. Баҳодиров «Русча-ўзбекча тупроқшунослик терминлар луғати», «Тупроқ ва унинг унумдорлигини ошириш йўллари», «Тупроқ ва унинг асосий хоссалари», «Ўзбекистоннинг асосий тупроқлари ва уларнинг агрономик хоссалари», «Тупроқнинг солиштирма оғирлигини аниқлашнинг ҳажмий усуллари», «Тупроқшуносликдан амалий машғулотлар» каби асарлар, қишлоқ хўжалик техникумлари учун ўзбек тилида ёзилган тупроқшунослик дарслигини босмадан чиқарди.

Ҳозирги кунда Мажид ака ўзининг бутун бой билим ва тажрибаларини ёшларга ўргатиш ишлари билан банд. Биз катта қалб эгаси, тиниб-тинчимас олимга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

С. МУҲАМЕДХОНОВ,
Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг проректори, доцент.

П. ПРОТАСОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор.

И. НИЕЗАЛИЕВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

23 февралда Тошкент шаҳар партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум «КПСС Марказий Комитетининг 1972 йил декабрь Пленуми қарорлари асосида халқ хўжалик планларини ва социалистик мажбуриятларни бажариш юзасидан республика партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишларини кучайтириш тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети X пленумининг якунлари ва Тошкент шаҳар партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги масалани муҳокама қилди. Шу масала юзасидан Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаевнинг доклади тингланди.

Муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Пленум иштирокчилари Тошкент шаҳар партия ташкилотида раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқуви ва иқтисодий таълими тўғрисида шаҳар партия комитетининг қарори қандай бажарилаётганлиги ҳақида шаҳар партия комитетининг секретари Р. К. Шонеъматовнинг ахборотини тингладилар.

Пленум ишида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов қатнашди.



Жиззах районидаги Навоий номли колхоз механизаторлари қишлоқ хўжалик техникаси ремонтини муддатидан илгари тамомлаб, кўклам экиш мавсумига пухта тайёргарлик кўришмоқда. Суратда: механизатор Б. Муқимов ремонтдан чиқарилган чопиқ тракторини кўздан кечиради.

А. Тўраев фотоси.



ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ МУХЛИСЛАРИ КЛУБИ

ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

ИШИМИЗГА КЎМАКДОШ

Корхонамиз коллективи тўққизинчи беш йиллик бошланганидан бери план ва мажбуриятларни муваффақиятли адо этиб келмоқда. Бунда заводимиз коллективида кўпчиликнинг физкультура—спорт билан мунтазам шуғулланиб келаётгани ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

Заводимиз физкультура ва спорт соҳасида олдинги ўринларни эгаллаб келяпти. Цехлараро тузилган 12 ташкилот ўз атрофига 980 кишини бирлаштирган. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Заводдаги фузкультурачилик ҳаракатига корхона директорининг ўринбосари — коммунист В. Нам бошчилигидаги физкультура кенгаши раҳбарлик қилади. Корхона физкультура кенгаши 11 кишидан иборат бўлиб, улар цех ва сменалардаги жамоатчиларга суянган ҳолда иш олиб борадилар. Электр цехининг бошлиғи Л. Новиков, ўровчи Б. Файзиев, лаборант И. Ветрова, слесарь Н. Кудрявцев каби жамоатчилар корхонада физкультурачилик ҳаракатини ривожлантиришга ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Уларнинг ташаббуси билан цехларда шахсий ва команда биринчилиги мусобақалари тез-тез ўтказиб турилади. 1971 йилда заводда спортнинг беш тури бўйича ўтказилган спартакиадага 300 га яқин киши қатнашганди. Ўтган йили эса умумзавод иккинчи спартакиадаси ташкил қилинди. Унда салкам 500 киши спортнинг олти тури бўйича пешқадамлик учун курашди. Корхона маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари физкультура-спортнинг ривожланишига доимий ғамхўрлик қилиб келмоқда. Жамоат ташкилотларининг йиғилишларида бу масала тез-тез муҳокама қилиниб, физкультура ва спорт моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, спортчилар сафини кенгайтириш борасида муҳим тадбирлар белгиланади.

Жамоатчилар кўмагида заводда олти волейбол, уч баскетбол майдончаси, спорт комплекси бунёд этилди. Каркидон сув омбори яқинида 100 кишига мўлжалланган сув спорти базаси қурилиши тугалланмоқда. Цехларда ГТО нормативларини топширишга мўлжалланган майдончалар барпо этилди.

Барча цехлар зарур спорт анжомлари билан таъминланган. Заводда шаҳар, область, республика ва мамлакатимиз спорт ҳаётини акс эттирадиган стендлар ва витриналар жиҳозланди. Завод бўйича дам олиш ва соғломлаштириш ишларининг туристик саёҳатлар, ГТО комплекси бўйича мусобақалар, ўртоқлик учрашувлари, соғломлаштириш спартакиадалари каби формаларидан самарали фойдаланилмоқда. Завод спортчилари волейбол, баскетбол, қўл тўпи, стол тенниси, шахмат, енгил атлетика, велоспорт, туризм-альпинизм, кураш каби секцияларда мунтазам шуғулланадилар.

Корхонамиз фузкультурачи ва спортчилари шаҳар мусобақаларида биринчи ўринларни эгаллаб келаётганликлари билан фахрланамиз. Разрядли спортчилар, жамоатчи инструктор ҳамда тренерлар тайёрлаш соҳасида ҳам мунтазам иш олиб борилмоқда.

В. КУЛИШИН,
Фарғона химиявий толалар заводининг физкультура инструктори.

БИРЁҚЛАМАЛИК

—Жамият аъзолари ўртасида халқаро классли спортчилар тайёрлаш қандай йўлга қўйилган?

Бу саволга на раис, на унинг ўринбосари дурустгина жавоб беришолмади. Раиснинг фикрича: «Халқаро классли спорт мастерлари тайёрлаш ишига бундан буён эътибор кучайтирилади. Мухлисларни мамнун этаётган ёшлар ўз маҳоратларини ошира бориб, халқаро майдонда чиқишлари мумкин». Раис ўринбосари А. Гринберг бўлса, мана бу гапни айтди: «..Умуман, бизга халқаро классли спортчилар тайёрлаш плани берилмайди».

Ахир бу-ажаб савдолар-ку!? Аввало, республика «Меҳнат» кўнгилли жамияти марказий совети бўйича қатор йиллардан бери номдор, мухлислар эътиборига тушган спортчиларнинг кўринмай қолаётгани қизиқ. Иккинчидан, спортда қўлга киритилган ютуқлар билан кифояланишмас, балки ғолибларнинг ғолиби бўлиш, энг кучли ёки энг чаққон деган довруғ таратиш қўл келади.

Тўғри, эришилган муваффақиятлар ҳам йўқ эмас. Кейинги тўрт йил мобайнида жамият аъзолари сафи қарийб 17 минг нафарга кўпайди. Спорт мастерлари, номзодлари ва оммавий разрядлилар тайёрлашда дуруст натижалар бор. Аммо, булар мақтагулик эмас. Бугунги кунда республикамиз саноат корхоналари ва қурилишларида меҳнат қилаётганларнинг атиги тўртдан бир қисми жисмоний тарбия машғулотларига тортилган, холос.

Имкониятлар чуқур ўрганилмаяпти. Наманагандаги енгил саноат корхоналари физкультура коллективлари учун ажратилган маблағнинг фақат 14 проценти ўзлаштирилганига сабаб нима? Тренерлар, инструктор ва методистларга бўлган талаблар ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Яна бир мисол: Андижон, Наманган ва Қашқадарёда енгил атлетика билан шуғулланилмайди деса бўлади. Мазкур областлардан кейинги йиллар ичида бирорта ҳам спорт мастери чиқмаган, жамият марказий совети бўйича икки кишигина спорт мастери бўлган, холос. Қатор йиллардан бери Бухорода эркин кураш, қиличбозлик, бокс бўйича, Наманганда кураш, самбо бўйича ҳеч қандай мусобақалар ўтказилмаётгани таажжубланарли.

Сув спорти — меҳнатчиларнинг ёқтирган машғулотларидан ҳисобланади. Тошкентдаги Сув спорти саройи — ихтисослаштирилган сузиш мактаби ҳам «Меҳнат» жамияти аъзолари хизматида. Бу ерда умидли ёшлар тарбия топмоқда. СССР халқлари V спартакиадасида кўпроқ наф келтирганлар ҳам шулар бўлди. Ўшанда «Меҳнат» вакиллари тўплаган 36 очкодан 26,5 тасини фақат сузувчилар олиб боришганди. Кўриниб турибдики, сузувчилар — жамиятнинг асосий суянчиғи., Хўш спортнинг биргина турига зўр бериб, қолганига ўгай кўз билан қараш қачонгача давом этади?

Ҳозирги кунда Ўзбекистон XVI ёзги спартакиадаси ва Бутуниттифоқ ёшлар спорт ўйинларига қизғин ҳозирлик кўриладиган пайт. «Меҳнат» спорт жамияти раиси ўринбосарининг бу борадаги маълумотидан шу нарса ойдинлашдики, республика спартакиадасига тайёргарлик кўриляпти, лекин Бутуниттифоқ ёшлар спорт ўйинларига жамиятнинг тааллуқли ери йўқ эмиш.

Шундай камчиликларга йўл қўйилавергани учун ҳам ўтган йили «Меҳнат» жамияти Марказий совети раҳбарларини янгилашга тўғри келганди. Яқинда бу жамиятнинг VII конференцияси бўлди. Конференция қатнашчилари камчиликларнинг сабаблари чуқур таҳлил қилинишини кутгандилар. Лекин конференция «тинч» ўтди. Сайловда эса, саноқ комиссияси «янглишиб кетди» баҳонаси билан бюллетенларни қайта ёзишди.

Спортчиларнинг: «Янада тезроқ, янада баландроқ ва кучлироқ!» деган шиори меҳнатчиларнинг ҳам байроғи бўлиши керак. Шунда меҳнатчилар орасидан ҳам донгдор спортчилар чиқади.

Ҳ. НОСИРОВ.

ЧЕТ ЭЛДАГИ МУСОБАҚАДА

БОЙЛИК ҚУРБОНИ

Яқинда профессионал боксчилар ўртасида яна бир қизиқ мусобақа бўлди. Бунда япониялик Нобор Оякова билан филиппинлик Фрэд Заяс ўзаро куч синашдилар. Нобор профессионал боксчи бўлса-да, айтарли шуҳрат қозонмаган ва омади юришмаган спортчилардан ҳисобланади. У енгил вазнли бўлиб, эндигина 22 баҳорни кўрган. Январнинг охиридаги сўнгги бокс жангига қадар ҳаммаси бўлиб 13 марта рингга чиққан ва тўрттасида ютқазгани маълум. Шунга қарамай, у бойлик тўплаш ва шу орқали обрў орттириш мақсадида бахтини сафар ўйинларида синаб кўришга аҳд қилди.

Профессионал боксчилар ўртасида одатга кирган узоқ давом этувчи жангга етарлича тайёр бўлмаса-да, филиппинлик Фрэд Заяс билан 10 раундли ўйин ўтказишга шартнома тузаверди. Бўлмаса, япон боксчиси учрашувларни 6 раунддан оширмаган эди. Ўзига нисбатан бир мунча тажрибали филиппинлик рақиби билан олишувда Нобор ҳолдан тойди ва кучсизгина нокаутдан йиқилди. Хушдан кетган япон боксчиси эртасигаёқ маҳаллий касалхонада ўзига келолмай, вафот этгани маълум бўлди.

Нbackborнинг ўлими профессионал боксчилар ҳаёти қанчалик қийин эканлигини яна бир бор билдирди. Японияда бундай бокс пайдо бўлгандан бери 25 киши ҳаёт билан хайрлашди. Сабаби медицина назоратининг йўқлиги, қолаверса спортчининг қобилият ва имкониятларига қарамай, мусобақадан келадиган фойдани кўзлашдир. Учрашув ташкилотчиларининг бу билан ишлари йўқ. Шунинг учун ҳам бундай спортда қурбонлар тез-тез учраб турибди.

Муз парчалари қалқиб оқаётган Анҳорда қулоч отиб сузаётганларни, бот-бот шўнғиётганларни кўрганда баъзилар завқланса, айримлар таажжубланади. Тўғри, бундан 15—20 кун илгари қиш-қировли кунларда бундай манзара кўпчиликка эриш туюлиши мумкин эди.

Кўпинча бизни: «касал бўлиб қолмайсизларми», «совуқ сувда ҳаракат қилиш қийин-ку», ёки «ёшингиз ҳам анчага бориб қолибди-ку», деганга ўхшаш саволларга тутишади. Албатта, қиш кунлари муздек сувда чўмилишнинг ўзи бўлмайди. Спортнинг бундай турига ҳавас қўйганлар клубимизга аъзо бўлишни ҳозирги кунлардан бошлашса, айни муддао бўларди. Чунки клуб аъзоларининг кўпчилиги бу фаолиятларини айнан баҳор ойларида — кунлар исиб, енгил шабада эса бошлаган кезлардан бошлашган.

МУЗДЕК СУВ СЕҲРИ

«Морж» номини олган спортчиларимиз — турли ёшдаги эркак ва аёллар. Улар «муздек сув — танга роҳат» шиори остида ўз саломатликлари ҳақида қайғуришмоқда. Бундай чўмилишларнинг саломатликка қанчалик нафи борлигини уларнинг ўзлари мана бундай ҳикоя қилишади:

Маҳкам АЛИБОЕВ — студент: Мен ҳам аёзли кунларда чўмилаётганларни кўрганимда этим жунжирди. Ўша чоғлар ҳа деганда касалга чалинардим, бод касалим ҳам бор эди. Намгарчилик бошланганда жуда азоб чекардим. «Морж»лар билан фикрлашиб, уларнинг айтганига қулоқ тутишимнинг фойдаси катта бўлди. Уч йилдирки, касалликлардан холиман. Танамни чиниқтиришни умумжисмоний машқлар билан бошладим. Ҳозир ҳам сувга тушиш олдидан турли машқлар қилиб, бироз қизиб оламан.

Александр ГУБСКИЙ — тепловоз машинисти: Кунлардан бир кун навбатдаги йўлга чиқиш олдидан врачлар кўригидан яхши ўтолмадим. Маълум бўлишича, қон босимим ошиб кетган экан. Врачлар менга даволаниш йўлларини маслаҳат беришди. Кейинчалик ўзимни анча яхши ҳис эта бошладим. Аммо аввалгидек эмасди. Кутилмаганда, «Морж»лар билан ўртоқлашиб қолишим жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишимга сабаб бўлди.

Совуқ сувда чўмила бошлаганимга 6 йилдан ошди. Бундай спорт турини ихтиёр этганларга қишда чўмилиш гаштини фақат бетобларга эмас, соғлом кишиларга ҳам раво кўраман. Совуқ сувда чўмилишни аста ўрганиб олиш кишига тетиклик, соғлиқ ҳадя этади.

Абдухалил МАНСУРОВ — медицина фанлари доктори, профессор: Совуқ сувнинг хосияти беқиёс. Нимасини айтасиз: у асабларни мустаҳкамлайди, қонни юриштиради, иштаҳани очади, чарчоқни тарқатади. Лўнда қилиб айтганда, совуқ сув танани яйратиб, кайфиятни чоғ қилади. Яхшиси, врачлар маслаҳати билан совуқ сувда чўмилишни бошлаган маъқул.

Бу фикрга мен ҳам қўшиламан. Чунки, ҳар ким саломатлиги ҳақида соғлиғида қайғириши керак. Муздек сувнинг сеҳридан фойдаланаётганлар оз эмас. Клубимиз аъзолари сафи юз нафарга етиб қолди. Улар орасида ёшлар ҳам, ҳатто мўйсафидлар ҳам бор.

А. ДОБРИНИН,
Тошкентдаги «Морж»лар клубининг раиси.

Фарғонада янги спорт комплекси фойдаланишга топширилди. Бу ерда спортнинг гимнастика, енгил атлетика, кураш, футбол ва бошқа турлари бўйича машғулотлар ўтказиш учун имкониятлар мавжуд. Ёз ойларига бориб комплекс яна 3 минг томошабинга мўлжалланган стадион спорт майдончалари ва бассейнлар ҳисобига кенгаяди. Суратда: бўлажак нафис гимнастикачи қизлар машғулот ўтказишмоқда.

Г. Бойко фотоси (ЎзТАГ).

Редактор М. КОРИЕВ

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

26 ФЕВРАЛЬ — ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 18.30 — ТОШКЕНТ, 18.40 — Кинофильм, 18.45 — Тележурнал, 19.30 — Миллионлар ленинча университети, 19.45 — «Ахборот», 20.00 — Кўкламги экишга тайёрмисиз? 20.30 — Ўн минут музика, 20.40 — «Ахборот», 21.00 — «ЕРКИН ҲАЕТ», 22.00 — «Вақт», 22.30 — **Ҳаёт ёғдуси** (телеспектакль). 23.20 — Ҳужжатли фильм. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 17.15 — МОСКВА, 17.20 — Янгиликлар, 17.30 — Галина Арефьева бригадасининг етти куни, 18.00 — «Костёр», 18.30 — Островский қўшиқлари, 19.30 — **Ҳал қилувчи 1973 йил** (ҳужжатли фильм), 20.30 — **Ватангадолар** (бадиий фильмнинг 1-серияси), 22.00 — Ҳужжатли фильм, 22.30 — Спорт программаси. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

27 ФЕВРАЛЬ — СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 11.25 — ТОШКЕНТ, 11.30 —**Дўстимнинг саргузашти** (бадиий фильмнинг 1-2-серияси), 11.50 — Кинофильм, 12.30 — МОСКВА, 18.30 — ТОШКЕНТ, 18.40 — Болалар уйидан репортаж, 19.10 — Мусобақанинг янги марралари, 19.35 — «Ахборот», 19.50 — Халқаро панорама (Москва), 20.20 — Ўн минут музика, 20.30 — «Ахборот» 20.50 — Адабий кўрсатув, 22.00 — «Вақт», 22.30 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети, 23.00 — Кино оламида. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 18.30—МОСКВА. Концерт, 19.20— Фан оламида, 19.50 — Беш йилликнинг учинчи йили (Тошкент), 20.20 — **Ватангадолар** (бадиий фильмнинг 2-серияси), 22.00 — ТОШКЕНТ. «Ёшлик» студияси кўрсатади, 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари, 19.15 — Телефильм, 19.30 — Ўқув программаси, 20.30 — Ҳужжатли фильм, 21.20 — Муз устида балет.

28 ФЕВРАЛЬ — ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 11.25 — ТОШКЕНТ, 11.30 — **Дўстимнинг саргузашти** (бадиий фильмнинг 3-4- серияларн), 12.00 — Мультфильмлар, 12.30 — МОСКВА, 18.30 — ТОШКЕНТ, 18.40 — «Юлдузча», 19.10 — «Ахборот», 19.25 — Чолғу куйларидан концерт, 20.00 — «Ахборот», 20.20 — МОСКВА. Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати, 21.50 — Ҳужжатли фильм, 22.00 — «Вақт», 22.30 — ТОШКЕНТ. Идеология ва ҳаёт, 23.10 — «ЧАШМА» (такрорий кўрсатув), ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.30 — МОСКВА, 19.15 — Концерт, 19.45 — Ҳужжатли фильм, 20.20— ТОШКЕНТ, 20.30— Адабий кўрсатув, 21.20 — Телефильм, 22.00 — Тошкент кўргазма залларида, 22.30 — МОСКВА. Бокс бўйича халқаро турнир. УЧИНЧИ ПРОГРАММА, 19.00 — Тошкент янгиликлари, 19.15 — **Цабуня** (бадиий фильм), 19.30 — Ўқув программаси, 20.30 — Буни ҳамма билиши керак, 20.50 — Ҳужжатли фильм.

1 МАРТ — ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 11.25 — ТОШКЕНТ, 11.30 — **Дўстимнинг саргузашти** (бадиий фильмнинг 5-6-сериялари), 11.55 — Фильм-концерт, 12.30 — МОСКВА, 16.30 — ТОШКЕНТ, 16.40 — Болалар музикаси Бутуниттифоқ ҳафталиги, 18.40 — «Ахборот», 19.00 — **Парвона** (спектакль), 21.00 — Эртага — Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илғорлари Қурултойи очилади, 21.45 — МОСКВА. Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати, 24.00 — «Вақт». ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 16.30 — МОСКВА, 17.20 — Янгиликлар, 17.30— Ўқувчилар учун кўрсатув, 18.00 — Миллионлар ленинча университети, 18.30 — Концерт, 19.30 — Адабий учрашувлар, 20.10 — **Марица** (оперетта), 21.45 — ТОШКЕНТ. Ўзбекистон ССР халқ артисткаси **Бернора Кориеванинг** ижодий кечаси. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари, 19.15 — **Давроннинг бошидан кечирганлари** (бадиий фильм). 20.20 — Фильм-концерт, 20.50 — Телеспектакль.

2 МАРТ — ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.45 — ТОШКЕНТ. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илғорлари Қурултойи, 10.35 — Телефильм, 11.30 — Ўзбекистоннинг куй ва оҳанглари, 12.30 — МОСКВА, 18.40 — ТОШКЕНТ, 18.45 — «Ахборот», 19.00 — Қурултой қатнашчиларига бағишланган концерт, 21.00 — «Ахборот», 21.20 — **Телеминиатюралар**, 22.00 — «Вақт», 22.30 — Қурултой залидан репортаж, 23.10 — **Шиддат** (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.40 — МОСКВА, 19.30 — Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати, 21.30 — Фотоҳаваскорлар учун кўрсатув, 22.00 — ТОШКЕНТ. ЦУМга марҳамат (байрамолди репортажи), 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА, 19.00 — Тошкент янгиликлари 19.15 — Телефильм, 19.55 — Телеспектакль, 21.05 — Концерт.

3 МАРТ — ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ, 10.00 — Янгиликлар, 10.10 — «**Экран ҳандаси**», 10.50 — Ҳужжатли фильм, 11.00 — МОСКВА, 11.05 — Янгиликлар, 11.10 — Мультфильмлар, 11.40 — **Бангладешнинг осойишта кунлари** (телефильм), 12.05 — Музикали киоска, 12.35— Баҳорни қаршилаб (репортаж), 13.15 — Телефильм, 14.15 — «Қўшиқ—73», 14.45 — «Изланиш» тележурнали, 15.20 — **Ҳайвонот оламида**, 16.20 — Концерт, 16.55 — Фан ва маданиятимизнинг актуал проблемалари, 17.25 — ТОШКЕНТ, 17.35 — Мультфильмлар, 18.10 — «Ахборот», 18.25 — Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати (Москва), 20.45 — «Ахборот», 21.05 — Ғазал ва мақом кечаси, 22.00 — «Вақт», 22.30 — «Ўзбекистон чорвадори», 23.00 — **Баҳорги шабнам** (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 14.00 — «Замандас» программаси, 17.25 — Музикали учрашувлар (Москва), 18.25 — **Қизни изланг** (бадиий фильм), 19.55 — Оламда нима гап? 20.25 — «Зангори экран» почтаси, 20.45 — **Тор-мор** (спектакль), 22.00 — Оғир атлетика бўйича халқаро турнир шарафига, 22.30 — Спектаклнинг давоми. УЧИНЧИ ПРОГРАММА, 18.25 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

4 МАРТ — ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА, 9.25 — ТОШКЕНТ, 9.30 — Янгиликлар, 9.40 — Мультфильм, 10.10 — Эртак кетидан эртак, 11.00 — МОСКВА, 11.05 — Янгиликлар, 11.10 — «Будильник», 11.45 — Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун кўрсатув, 12.15 — Концерт, 13.00 — Қишлоқ хабарлари, 14.00 — Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати, 15.15 — Инсон ва қонун, 15.48 — **Киносаёҳатчилар** клуби, 16.45 — Эстрада концерти, 17.50 — ТОШКЕНТ, 18.00 — «Звездочка», 18.45 — «Ахборот», 19.00 — «**Экран ҳандаси**» (такрорий кўрсатув), 19.40 — «Ахборот», 20.00 — Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати (Москва), 23.00 — **Садриддин Айнийнинг** адабий портрети, 24.00 — «Вақт», ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 9.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 17.50— МОСКВА. **Қобул миссияси** (бадиий фильмнинг 1-2-сериялари), 20.00 — ТОШКЕНТ, 20.20 — Ўзбекистон композиторларининг янги асарлари, 21.20 — **Дворянлар уяси** (бадиий фильм), 23.00— Ҳужжатли фильм. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 16.45 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — **Телеминиатюралар.** 10.50 Мультфильм. 11.00 — МОСКВА. 11.10 — Қўғирчоқ магазинида. 11.30 — «Здоровье». 12.00 — Музикали программа. 12.30 — Фан ва маданиятимизнинг актуал программалари. 13.00 — Экранда — цирк. 13.20 — **Совет Тожикистони** (ҳужжатли фильм). 14.15 — Ёш ижрочилар концерти. 15.00 — Ҳамшаҳарлар. 15.40 — Бадиий фильм. 17.10 — ТОШКЕНТ. 17.15 — «До-ре-ми-фа-соль». 17.50 — «Ахборот». 18.00 — МОСКВА. **Хоккей: СССР — ШВЕЦИЯ.** 19.15 — ТОШКЕНТ. Концерт. 19.50 — «Ахборот». 20.10 — Оламда нима гап? 20.30 — Диққат, стартга. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Бир келиб кетинг қишлоғимизга. 23.40— **Кўза** (телефильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.10 — МОСКВА. Адабий учрашувлар. **М. Шагинян.** 18.00 — ТОШКЕНТ. Кинокўрсатув. 19.15 — МОСКВА. 19.50 — Концерт. 20.50 — **Халоскорлик** (бадиий фильмнинг 3-серия. 2-қисми). 22.00 — ТОШКЕНТ. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 15.40 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/II да **Танавор.** 25/II да **Севги тумори** (кундузи).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/II да **Инқилоб тонги.** 25/II да **Тарих тилга кирди** (кундузи), **Алишер Навоий** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/II да **Ужарлар.** 25/II да **Жумагул** (кундуз соат 12 ва кеч 7 яримда), 26/II да **Фарғона тонг отгунча**

КИНО

Семурғ — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2 ва 4 да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кундуз 3, кеч 7, 8.45 ва 10.30 минутларда), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 11, кундуз 12.30, 2, 3.30, 5, кеч 6.30 минутлар ва 8 да), «КЎКЧА» (эрталаб соат 11, кундуз 1, 3, 5, кеч 7 ва8.40 минутда), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Кавказ асираси — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 1 ва 5 да).

19 қиз ва бир денгизчи — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда), «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ВОСТОК» (эрталаб соат 11, кундуз 1, 5 ярим ва кеч 7 да).

Семурғ; Сеними, шошмайтур! (5 серия) ва **Жосуслик эҳтирослари** — «ДРУЖБА» (эрталаб соат 11 кундуз 2, 5 ва кеч 8 да).

Четдан келган киши; Сеними, шошмайтур! (5 серия) ва **Жосуслик эҳтирослари** — «МОСКВА» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ярим, 3, 5 ярим ва кеч 8 да).

Ўн уч баҳодир; Сеними, шошмайтур! (5 серия) ва **Жосуслик эҳтирослари** — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2.30, 5 ва кеч 8 да).

Одам-оркестр; Тахта — «ДРУЖБА» (эрталаб соат 10.20, кундуз 1, 4 ва кеч 7 да).

Солярис (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ. «ЧАЙКА» (кундуз соат 12, 3, кеч 6 ва 8.45 минутда).

Даурия — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз соат 5.30 ва кеч 8.30 минутларда).

19 қиз ва бир денгизчи; Сеними, шошмайтур! (5 серия) — **«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ»** (кундуз соат 12, 3, кеч 6 ва 9 да).

Инсонни севинг — «ВОСТОК» (кундуз соат 3 ва кеч 8 яримда).

УРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИНИНГ
ТУЙТЕПА ПОСЕЛКАСИДА
3, 4 МАРТДА
1973 ЙИЛГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИНИНГ БИРИНЧИ ЧИҚАРИЛИШИ БЎЙИЧА
ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ
ТИРАЖ эрталаб соат 10 да бошланади.
Кириш бепул.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг Ўқув юртлари бош бошқармаси катта мутахассис Т. Шукуровга отаси

Шукур АБДЕЗОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон КП Чилонзор район комитети ва район ижроия комитети булка-кондитер комбинатининг директори Р. Аббосовага отаси

Эминжон АББОСОВнинг

вафоти этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ — Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029. ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ● ТЕЛЕФОНЛАР эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Б. — 47. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 02222.